201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

4 (488) ● 2018 йил 24 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ОЛИБ КИРИШНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5229-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, республикага дори воситалари ва тиббиёт буюмлари олиб киришни янада тартибга солиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

корхонанинг ўзи томонидан тайёрланган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тўлиқ технологик цикл бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳисобланади;

корхонанинг ўзи томонидан тайёрланмаган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳисобланади;

дори воситалари ёки тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоқлаш, истеъмол ўрами ва маркировка қилишдан ташқари барча технологик босқичлардан ўтган ҳар қандай қадоқланмаган дори воситаси ёки тиббиёт буюми "in bulk" маҳсулот деб эътироф этилади.

2. Белгилансинки:

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича ишлаб чиқарилган тақдирда улар маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб эътироф этилади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари юқоридаги мезонга мувофиқ бўлмаган ёки "in bulk" маҳсулот асосида ишлаб чиқарилган ҳолларда, улар маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб эътироф этилмайди;

маркировка қилиш ва ўрашдан ташқари корхонанинг ўзи томонидан барча ёки алоҳида бутловчи ва технологик қисмларни ишлаб чиқариш ёхуд маркировка қилиш ва ўрашдан ташқари бутловчи ва технологик қисмларни, шу жумладан, импорт қилинаётганларни йиғиш йўли билан ишлаб чиқариш ташкил этилган ҳолларда тиббиёт техникаси маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб эътироф этилади.

2-бет

Муносабат

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган, мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришни кўзда тутувчи Ҳаракатлар стратегияси чуқур ўйланган, кенг қамровли ислоҳотларни ўз ичига оладиган йирик дастур сифатида ҳар биримизнинг фаолиятимизда дастурламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатда ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаган. Уни халқимиз жуда катта қизиқиш билан қарши олди. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳар бир йилга бағишланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва унда белгиланган вазифаларни амалга оширишга барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг натижасида жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳада чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда, мамлакатимиз жадал ривожланмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди, халқ иродасини ифода этишнинг янги механизмлари яратилди. Давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

2-бет

Депутатлик назорати

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

Аҳоли билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг мурожаатларини тинглаш ва ҳал этиш чораларини кўриш жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларнинг бартараф бўлишига, ҳудудлар ривожига хизмат қилади. Аввал хабар берилганидек, парламент аъзолари ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўтказди, уларни қийнаётган муаммолар билан яқиндан танишди. Шунингдек, депутат ва сенаторлар жойлардаги фаолияти давомида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор мақсад-вазифалар аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этдилар. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзолари ҳам ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, мутасадди ташкилотларга уларнинг ечимини топишга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Талаб ва истаклар ўрганилди

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад халқимизга хизмат қилиш ва одамларнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъминлашга қаратилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари айни шу мақсадда аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказиш, фуқароларни қизиқтирган муҳим масалаларга ечим топиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа аҳволини ўрганиш учун Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида бўлди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов ўзи сайланган "43-Поп" сайлов округидаги Меҳнатобод ва Гулбоғ ҳудудида яшовчи сайловчилар билан учрашди. 37-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган мулоқотда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда жамиятимиз, Ватанимиз равнақи йўлида белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳақида кенг тушунча берилди. Депутат Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинган 2018 йилга мўлжалланган туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида шу ҳудуд билан боғлиқ назарда тутилган режалар, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари хусусида батафсил тўхталди.

Мулоқотда сайловчилар бир қатор истиқболли таклиф-мулоҳазаларни, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни кун тартибига қўйди. Жумладан, 400 дан зиёд хўжалик истиқомат қилувчи мазкур ҳудудда электр энергияси таъминотида юзага келаётган узилишлар аҳолига ноқулайлик туғдираётгани, бу масалани бартараф этиш лозимлиги айтилди.

3-бет

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТОЛАРДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини ошириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ўрни мустаҳкамланишига замин яратилди. Сиёсий тажриба орттириш, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳам муайян вазифаларни амалга ошираётир.

Андижон. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари фаолияти хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Йиғилишда партия гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросида фаол иштирок этиши, уларнинг мақоми ва масъулиятини ошириш, кенг ваколатлар бериш, рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

4-бет

Махаллий Кенгашларда

ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ СЕССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Парламент аъзолари жойларда бўлиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда аҳолининг муаммоларини ўрганди. Мавжуд масалалар, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Депутатлар ва сенаторларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари натижаси тегишли маҳаллий Кенгашлар сессияларида қизғин муҳокама қилиниб, ҳаётий қарорлар қабул қилинди, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва етук авлодни вояга етказишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис соҳа ривожига, айниқса, чекка ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

4-бет

Бугуннинг гапи

КЎР-КЎРОНА СЕРИАЛ ФАНАТИЗМИ

У БИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҚАЙ ТОМОН ЕТАКЛАМОҚДА?

Кечки тановулдан сўнг оёқ узатиб, телевизор қаршисида яқинлар даврасида ҳордиқ чиқаришга нима етсин?! Оила аъзолари жам бўлганда қизиқарли дастур, ҳордиқ чиқарувчи кўрсатувлар томоша қилиш инсонга завқ-шавқ бағишлайди. Афсуски, бу пайтда кўришга арзирли кинофильм ёки кўнгилочар кўрсатувлар ўрнига асабни эговлайдиган, тарбия таназзулига сабабчи сериаллар бирин-кетин навбати билан (ҳатто бири тугамасдан иккинчиси) намойиш этилаверади. "Ойнаи жаҳон"ни хорижий сериаллар босиб кетгани ҳам бор гап...

Кўчадаги бекорчи хотинлар гапининг асосий мавзуси ҳам севимли сериалларидаги "муҳим" воқеалар шарҳидан иборат. Хўп, улар-ку бекорчи экан, бироқ турли ташкилот ва ишхоналарда ишлайдиганларга нима бўлган ҳайронсан — иш бошланиши билан ходимлар сериал воқеаларини муҳокама этишга киришади. Аёлларни қўя туринг, ҳатто айрим эркаклар ҳам севги машмашаларига тўла сериалларнинг шайдосига айланган.

6-бет

Ушбу сонда:

"ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАШНАЛИК ОДАМЛАРНИ КИТОБГА ҚАЙТАРИШИ МУМКИН"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ, АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ БИЛАН СУҲБАТ

8-бет

КОИНОТДАГИ ЧИҚИНДИ УЮМИ ФАЗО ВА ЕР САЙЁРАСИГА ХАВФ СОЛМОҚДА

7-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

www "Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
4 (488) 2018 йил 24 январь, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ОЛИБ КИРИШНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда:

мазкур қарор қоидаларини инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини;

мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 декабрдаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга доривор моддалар (субстанциялар) ва доривор ўсимлик хомашёсини рўйхатдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2018 йил 1 февралга қадар хорижий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатдан ўтиш ҳужжатларига уларнинг аризасига мувофиқ йиғим ундирмаган ҳолда "in bulk" маҳсулотнинг ўрами ва маркировкаси ҳақидаги маълумотни кўрсатишга оид қисмига ўзгартириш киритилишини таъминласин;

2018 йил 1 мартга қадар дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган мезонлар асосида маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб топиш нуқтаи назаридан уларни ишлаб чиқаришни технологик аудитдан ўтказсин.

5. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича, шунингдек, маҳаллий маҳсулотлар орасида муқобили бўлмаган "in bulk" маҳсулот асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга давлат харидларида иштирок этишда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг худди шундай маҳсулоти қийматидан 20 фоиз миқдорида нарх преференциялари тақдим этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йил 15 апрелдан бошлаб дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг "in bulk" маҳсулотни импорт қилишда, рўйхатдан ўтган тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича ишлаб чиқариладиган худди шундай маҳаллий маҳсулотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмайди;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга "in bulk" маҳсулот асосида тайёрланган маҳсулотлар қисмига, рўйхатдан ўтган худди шундай маҳаллий маҳсулотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар 2019 йил 1 январга қадар сақлаб қолинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир ой муддатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг муомаласи ва ишлаб чиқарилиши юзасидан танқидий ўрганиш ўтказсин ҳамда уларни тартибга солиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 январь

ЎЗЛИК ВА УЛУҒЛИККА БОШЛАГАН СИЙМО

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида жойларда учрашувлар, тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Миробод туманидаги 110-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ташкил этилган "Ислом Каримов – миллий армиямиз асосчиси" деб номланган тадбирда мактаб директори ўринбосари О.Қодиров ва бошқалар Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўзининг серқирра сиёсий фаолияти билан ўчмас из қолдирган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, унинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш навқирон авлоднинг комил ва ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайишида катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган тарихий шахс ва сиёсий арбобдир. Биринчи Президентимиз Ватанимизни энг қалтис ва оғир вазиятлардан олиб чиқиб, эркин ва обод давлатга айлантирди.

Давлат қурилишининг жуда муҳим ва узвий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг барпо этилиши ва унинг тараққиёт даври ҳам бевосита Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари ва эзгу ташаббуслари билан боғлиқ. Хусусан, Мудофаа вазирлигининг ташкил этилиши, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилиши, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилиниши, маҳаллий ҳарбий кадрлар масаласини ҳал қилиш мақсадида ҳарбий таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилиниши шулар жумласидандир.

Тадбирда капитан Муҳаммадсоли Дўстқуловнинг миллий армиямизнинг разведкачи гуруҳлари халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлар ҳақидаги ҳикояси ўқувчиларда катта таассурот уйғотди.

– Биз гуруҳимиз билан ўтган йили икки маротаба халқаро ҳарбий мусобақаларда қатнашдик, – дейди у. – Ўтган йилнинг июль-август ойларида Россияда ўтказилган мусобақада учинчи ўрин, октябрь ойида Буюк Британияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда иккинчи ўринни эгалладик.

Разведкачи гуруҳларнинг ҳарбий-тактик чиқишлари, миллий армиямиз фаолиятини акс эттирувчи кўргазма намойиши барчада катта қизиқиш уйғотди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ "ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА" ҚЎШИҒИНИ ШУ ЕРДА ЭШИТИШ ОРЗУСИДА ЭДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятида ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Фарғоналиклар учун энг қадрли жой қаер эканини биласизми? Бугун Фарғонага келган меҳмон бўладими ёки хорижлик сайёҳ, албатта, бу масканга ташриф буюради. Бу Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройи. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган мазкур санъат саройи Фарғона аҳли учун азиз туҳфалардан бири сифатида янада қадрли.

Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарини уйғунлаштирган ушбу улуғвор кошона узоқдан кўлда сузиб юрган оққушни эслатади. Унинг миллий услубда безатилган эшик ва устунлари, саҳна теграсидаги ранго-ранг ёритгичлар, томоша зали узра осмон гумбазининг бир парчаси тасвирланган манзара, бошқа яна бир қанча қулайликлар бу сарой яхлит бир муҳташам санъат асари эканини намоён этади. Сарой жойлашган майдонда тўртта фаввора, суғориш ва ташқи ёритиш тизимлари, ноёб дарахтлар ва анвойи гуллар ҳамиша атрофга чирой бахш этиб туради.

– Ушбу муҳташам Театр-концерт саройи ўрнида илгари қўланса ҳид бурқсиб ётган кўримсиз ёғ-мой заводи бўлганини ҳозир фарзандларимизга, меҳмонларга айтсак, ишонишмайди, – дейди меҳнат фахрийси Дониёр Эргашев. – 40 гектарлик ҳудудни эгаллаган эски корхона бошқа жойга кўчирилиб, бинолари бузилиб, тупроғигача янгиланди. Бетакрор меъморий ечимга эга кошона барпо этилиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. Бугун бу ердаги ажиб манзара, ўзига хос ободлик ва бетакрор гўзалликни кўриб, инсоннинг қўли гул, бугунимиз фаровон, эртамиз янада порлоқ эканига ишонч ҳосил қиласиз. Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов бунёдкорлик соҳасида амалга оширган ва бугун унинг сафдошлари, шогирдлари томонидан давом эттирилаётган улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари Ўзбекистоннинг бутун жаҳон эътиборини тортаётган ўзига хос "ташриф қоғози"га айланган. Фарғонадаги улкан бунёдкорлик ишларининг бош меъмори – Ислом Каримовдир. 2011 йилда бошланган Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш ишлари шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб, одамлар дунёқарашини кенгайтирди. Бугун фарғоналиклар Биринчи Президентимизнинг эзгу ишларини фахр билан тилга олади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қарорига мувофиқ, мазкур санъат масканига мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи берилгани тарихий воқеа бўлди. Бу фарғоналикларга чексиз қувонч, фахр-ифтихор бағишлади. Бугун ким билан суҳбатлашманг, Ислом Каримовнинг мустақиллигимиз, халқимизнинг эркин ва фаровон яшаши йўлида улкан матонат ва маънавий жасорат кўрсатгани ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Қайси касб эгаси бўлмасин, у хоҳ ўқитувчи, хоҳ тадбиркор ё фермер, хоҳ оддий нуроний, барча билан самимий мулоқотда бўларди, кўнглига йўл топа оларди, деб эслайди.

– Биринчи Президентимизнинг олижаноб фазилатлари барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб қолди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ботиржон Темиров. – Айниқса, Фарғона шаҳридаги мислсиз бунёдкорлик ишлари бевосита у кишининг ташаббуси билан амалга оширилди. Шаҳримиздаги санъат саройи ана шулардан бири. У киши бу масканнинг қурилишига бош-қош бўлди. Биринчи Президентимиз вилоят фаоллари билан учрашувида "мазкур санъат саройи битса, сизлар билан ўтириб, "Фарғона тонг отгунча"ни бир эшитаман", деб ният қилган эдилар. Бу сарой барчамиз учун азиз маскан сифатида у кишини доимо эслатиб туради.

Фарғона азалдан маданият ва санъат ўчоғи сифатида ном қозонган. Мазкур санъат маскани ҳам бу анъаналарни янгича мазмунда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Бугун Фарғонада ўтказиладиган кўплаб тадбирлар ана шу масканда ташкил этилмоқда. Театр жамоаларининг спектакллари, санъаткорларнинг байрам дастурлари намойиш қилинмоқда. Бу санъат масканига келган киши ўзига катта маънавий руҳ, мадад олиб қайтади.

– Мамлакатимизда маданият ва санъатни янада ривожлантириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов. – Мустақиллигимиз меъмори Ислом Каримов томонидан бу борада бошлаб берилган эзгу ташаббуслар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институтининг Фарғона филиали ташкил этилгани, Қўқон шаҳрида "Ижодкорлар уйи" фойдаланишга топширилгани, э-ҳе, буларни санаб адоғига етиш қийин. Вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоаси ҳам мазкур санъат саройида томошабинлар учун янги саҳна асарларини намойиш этиб келмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Муносабат

АСОСИЙ МАҚСАД – ХАЛҚИМИЗНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди. Депутат ва сенаторларнинг тизимли равишда жойларга чиқиб, ҳақиқий аҳволни ўрганиши, халқ билан мулоқот қилиши йўлга қўйилди.

Бу борадаги ишлар 2018 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида мавжуд муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш бўйича қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб номланиб, шу муносабат билан Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди, аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокамалар жараёнида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 22 январдаги фармони билан мазкур Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди. Фармондан фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида билдирилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий меъёрлар ўрин олган. Бу, бугун мамлакатимизда муҳим ҳужжатлар демократик асосда, халқ фикрини ўрганган ҳолда қабул қилинаётгани, ҳаётий ва халқчил эканидан далолат беради.

Беш бўлимдан иборат Давлат дастурининг тўртинчи — ижтимоий йўналишида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини янада яхшилаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган, бунда замонавий инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига "ақлли тиббиёт" тизимини, "Ягона тиббий маълумотлар маркази" тизимини жорий қилиш, аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш режалаштирилган. Барча ҳудудда ҳомиладор, ёш болали аёллар ва чақалоқларга кўрсатилаётган перинатал ёрдамни такомиллаштириш, скрининг марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан ҳар бир туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига скрининг текширувларини ўтказиш учун юқори технологияли УТТ сканер аппаратлари бериш орқали ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг эрта ногиронлигини аниқлаш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш чоралари кўрилади.

Давлат дастурида ўз ифодасини топган бу каби вазифалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш каби вазифалар билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Бу эса, фракциямиз аъзолари, партиямиз фаолларининг бу борадаги дастурий вазифалардан келиб чиқиб, Давлат дастури ижросини таъминлашда масъулият билан фаол иштирок этишини, парламент ва депутатлик назорати институтидан самарали фойдаланишини талаб этади.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш
масалалари қўмитаси аъзоси

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ БИЗНИ ЯНАДА ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Сўнгги кунларда мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчи ҳар бир инсон борки, Тараққиёт стратегияси маркази сайти (strategy.uz)га кириб, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси билан танишгани бор гап. Лойиҳага юзасидан билдирилган жўяли фикр-муносабатлар, ижтимоий тармоқлардаги қизғин баҳс-мунозаралар бир ҳақиқатдан дарак беради: халқимизнинг ижтимоий-сиёсий савияси ошмоқда, дахлдорлик ҳисси юксалмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида халқ хоҳиш-иродаси ҳисобга олинаётгани, фуқаролар халқ ва давлат аҳамиятига молик ҳужжатларни қабул қилишда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлаётганидан далолат беради. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ҳар қандай қонун ҳамда йирик дастурлар кенг жамоатчилик ва аҳоли муҳокамасидан ўтказилиб, уларнинг таклиф-ташаббуслари билан бойитилса, ислоҳотлар самарадорлиги ошади, ҳужжатларнинг халқчиллиги таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, эркин фуқаролик жамияти ҳамда кучли демократик давлат барпо этишнинг муҳим омили саналади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 январдаги фармони асосида Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланиб, унда қатор ҳаётий мақсад-вазифалар белгилаб қўйилгани келгусидаги тараққиётимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Дастурда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органлари ваколати кенгайтирилди. Унга кўра энди ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, масъулиятни тўла ўз зиммасига олиши, керак бўлса, ўз аравасини ўзи тортиши ҳамда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиши талаб этилади. Хусусан, бундан буён тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этишни туман ҳокими амалга оширади. Маҳаллий раҳбарларга бундай кенг ваколат ва имкониятлар берилиши ҳудудларни ривожлантириш самарадорлигини таъминлайди.

Бу механизм, ўз навбатида, маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Боиси, ҳокимлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан маҳаллий Кенгашларга ҳисоботлар тақдим этади. Маҳаллий Кенгашлар ўз ўрнида тегишли қарорлар қабул қилади. Ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби фаолияти устидан халқимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга ошириши айни шу ерда кузатилади. Бу эса биздан янада фаол ва ташаббускор бўлишни, халқ вакили сифатида улар билан доимий мулоқот қилишни, ўз сайловчиларимиз, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишни тақозо этади.

Давлат дастури мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур ўрганиб, унинг ижросини таъминлашда биз депутатлар ҳам ўз вазифа-ваколатимиздан унумли фойдаланган ҳолда самарали фаолият юритишимиз лозим. Партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар сессияларига доимий равишда ташаббус-масала олиб чиқиш, аҳоли, айниқса, сайловчилар, электоратимиз манфаати ҳимоясига доир тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантиришимиз зарур.

Аҳмаджон БОБОЕВ,
халқ депутатлари Сурхондарё
вилоят Кенгаши депутати

Депутатлик назорати

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ — МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

< **Давоми.**
Бошланиши 1-бетда.

Шунингдек, 320 ўринга мўлжалланган, аммо айни пайтда икки сменада 380 ўқувчи таҳсил олаётган 37-умумтаълим мактабининг янги ўқув биносини қуришга эҳтиёж мавжудлиги қайд этилди. Мулоқот чоғида Мингбулоқ, Чуст ва Поп туманлари аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида Сирдарёнинг шу ҳудудлардан оқиб ўтувчи қисмига кўприк барпо этиш масаласи ҳам ўртага ташланди.

Депутат билдирилган таклиф ва масалаларни тез орада туман ва вилоят даражасида ҳал этиш чоралари кўрилишини таъкидлади. Қолаверса, республика миқёсида ечим топадиган масалаларнинг ҳал бўлишида парламент назорати ва депутатлик сўровидан фойдаланишини қайд этди.

Депутат Нодир Мухторовнинг тумандаги "Ёшлик", "Толлиқ", "Қўғаликўл" маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли хонадонларида уйма-уй юриб ўтказган очиқ мулоқотларида ҳам бир қатор масалалар жойида ҳал қилинишига эришилди. Фуқаролар Раҳматулло Турғунов ва Ҳусниддин Ўришев билан кечган сухбатда ҳудудда электр энергияси таъминотидаги носозликларни бартараф этиш масаласи кўтарилди. Бунинг учун янги трансформатор ўрнатиш зарурлиги айтилди. Ушбу масала депутат ташаббуси билан туманнинг 2018 йилги манзилли дастурига киритилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган Жомашўй мелиорация қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказига қарашли 1-шохобча кутубхонаси маҳалла аҳлига ҳам хизмат кўрсатади. Лекин 3 мингдан зиёд китоб фондига эга зиё масканидаги шарт-шароитлар бугунги давр талаблари даражасида эмас. Одамларда китоб мутолаасига бўлган қизиқиш ошиб бораётгани сабаб ҳозирда кутубхонага аъзо бўлганлар сони 460 нафарга етди. Бир кунда бу ерга ўртача 40-50 китобхон келмоқда. Маҳалла фаолларининг истакларидан келиб чиққан ҳолда депутат мазкур кутубхонани капитал таъмирлаш бўйича бюджетдан маблағ ажратиш юзасидан туман ҳокимлиги, туман молия бўлимига мурожаат қилди. Зиё масканини ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара, дурдона адабиётлари билан тўлдириш борасида "Ёшлик" МФЙ раиси ва фаолларига Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ташкил этаётган грант танловларида иштирок этиш тавсия этилди.

Ёш авлод кўчасидаги 41-хонадонда бўлган сухбат чоғида уй соҳиби Давлатали Холмирзаев 14 ёшли ногирон қизи борлиги, ўғли сартарошлик

қилишини, оиланинг тирикчилиги шундан ўтиши, айни пайтда тўй тараддудида эканлигини билдирди. Бироқ қурилаётган уй-жойининг том қисмини ёпишга имконияти йўқ. Бу масала депутат ташаббуси билан ижобий ҳал этилиб, хонадонга ҳомийлар кўмагида шифер етказиб берилди.

— Ўғлим Жамолиддин икки йилдан буён қандли диабет хасталигидан қийналади, — дейди "Толлиқ" МФЙда истиқомат қилувчи Инобат Баратова. — Вилоят эндокринология диспансерида даволанаётган ўғлимнинг зарур тиббий муолажа олишида моддий ёрдам сифатида 800 минг сўм ажратилди. Бундай эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Нафақадаги шифокорлар ишга қайтяпти

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев фуқароларни ўйлантириб келаётган бир қатор муаммоларга ечим излаш билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ўрганиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси, қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари, тез ёрдам бўлимлари фаолиятини ўрганди. Асосий эътибор соғлиқни сақлаш муассасаларида яратилган шароитлар, тиббий хизмат сифати, айниқса, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати билан танишишга қаратилди. Шунингдек, тиббиёт муассасаларига келаётган кишилар, даволанаётган беморлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Депутат Мингбулоқдаги ўрганишлари давомида туман тиббиёт бирлашмаси, кўп тармоқли поликлиника, туман марказий ва ҳудудий тез тиббий ёрдам хизматлари, қишлоқ оилавий поликлиника ва врачлик пунктлари фаолияти билан танишди. Маълум бўлишича, бугун туманда эндокринолог, психиатр, лор, УТТ шифокорларига эҳтиёж мавжуд. Нафақадаги тажрибали шифокорларни ишга жалб қилишга қаратилган ишлар бир қадар самара берди: уларнинг тўрт нафари 7, 9, 10-сонли қишлоқ оилавий поликлиникалари ва "Қайроғочовул" ҚВПда ишга қайта расмийлаштирилди. Ўтган йили тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда клиник ординатура битирувчиларидан саккиз нафари йўлланма асосида тумандаги шифохона ва поликлиникаларга ишга жойлаштирилди.

Маълумки, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари ҳар 15 кунда маҳалла фаолларига амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот беришлари лозим бўлса-да, ўрганиш жараёнида аниқланганидек, барча муассаса раҳбарлари ҳам 2017 йилнинг сентябр-декабрь ва 2018 йил январь ойларида аҳоли олдида ахборотлар бермаган. Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари томонидан 2018 йил учун маҳалла фуқаролар йиғинларида ахборот бериш юзасидан режа-жадвал тузилмаган. 8 ва 9-сонли оилавий поликлиникалар ахборот берганлигини тасдиқловчи баённомалар тақдим этган бўлса-да, маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан сухбатлашилганида бу ахборотлар шунчаки қоғозбозлик, яъни расмиятчилик учун экани ойдинлашди.

Депутат тиббиёт муассасаларининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш ҳолатини ўрганди. Маълум бўлишича, "Қўғаликўл" қишлоқ врачлик пунктидан ташқари деярли барча қишлоқ оилавий поликлиника ва врачлик пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Бу масалани кечиктирмай ҳал этишга тумандаги тегишли мутасаддилар эътибори қаратилди.

— Патронаж ҳамшираларининг иш фаолияти қониқарли эмас, ўрганишларда туманда кичик тиббиёт ходимларини махсус сумкалар билан таъминланганлик даражаси ўртача 60 фоизни ташкил қилиши маълум бўлди, — дейди Шуҳрат Тўхтабоев. — Бу эса ҳудудда патронаж хизмати фаолияти қониқарли йўлга қўйилмаганидан далолат. Мисол учун, "Дўмса" ҚВПда 11 патронаж ҳамширасининг 5 нафарида, 9-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида 14 патронаж ҳамширасининг 8 нафарида сумка бор холос. Сумкалар билан таъминланмаган патронаж ҳамширалар эса ўз ҳисобидан тегишли жиҳозлар сотиб олишга мажбур бўлган. Мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш масаласи туман ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тегишли тартибда маълум қилинди.

Қолаверса, тиббиёт муассасаларида ижро интизоми, ходимларнинг ишга келиб-кетиши аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг бу борадаги мурожаати ўрганилган худди шу куни ҳам 10-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида 50 ҳамширадан атиги бир нафари ишда экани, 8 шифокордан бирортаси ҳам ўз жойида йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Депутат тумандаги дори-дармон савдоси билан шуғулланувчи шохобчалар фаолиятини ҳам ўрганди. Бўлиши шарт бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар айрим дорихоналарда етарли даражада эмаслиги аниқланди. Хусусан, "Дори-дармон" акционерлик жамиятига қарашли 40-сонли шохобча сотувчиси Фарҳод Мўминов юқорида қайд этилган мазкур рўйхатни топиб бера олмади. 57-сонли шохобча сотувчиси Шоҳсанам Хўжамбоева дорихоналарда бўлиши мажбурийлиги белгилаб қўйилган 32 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлардан 12 таси етишмаслигини айтди.

Ўрганишлар давомида "Дамкўл", "Қайроғочовул", "Қўғаликўл" қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналар йўқлиги маълум бўлди. Мазкур тиббиёт муассасаларида аҳолига арзон ва сифатли дори-дармонларни имтиёзли тарзда етказиб берадиган ижтимоий дорихоналар фаолиятини йўлга қўйиш масаласи туман ҳокимлиги мутасаддилари эътиборига ҳавола этилди.

Шуҳрат Тўхтабоев беморлар ва фуқаролар билан мулоқотлар жараёнида уларни ўйлантириб келаётган муаммолар билан қизиқди. Хусусан, инсульт касаллигига чалинган меҳнат фахрийси Қўзихон Холмирзаева депутат ташаббуси билан шифокор назоратига олинди. Унга туман тиббиёт бирлашмаси томонидан керакли дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Депутат кўмагидан аҳоли мамнун

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов Бухоро вилоятининг Ромитан туманида уйма-уй юриб, фуқаролар билан мулоқот қилди, ҳудуддаги муаммоларни ўрганди, айримларини жойида ҳал этди. Хусусан, тумандаги "Хоса" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган депутат Шодмонобод қишлоғига борувчи икки километрдан ортиқ йўлнинг аянчли аҳволда эканига гувоҳ бўлди. Ушбу йўллар, айниқса, ноқулай об-ҳаво шароитида янада ёмон аҳволга келиб қолади. Депутат мазкур йўлни таъмирлаш масаласида туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига мурожаат қилди ва унинг саъй-ҳаракати билан ушбу ҳудуддаги йўллар 2018 йилда жорий таъмирлаш режасига киритилди.

Парламент аъзосининг аҳоли билан юзма-юз мулоқоти давомида фуқаролардан турли масалаларда мурожаатлар бўлди. Масалан, ўнга яқин мурожаатда бандлик, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи кўтарилди. Бу борада аҳолига амалий ёрдам кўрсатилиб, аксарият фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Хусусан, "Деча" МФЙда яшовчи ёшлар Нозим Усмонов, Ғайрат Қодиров, Аҳад ва Ато Тешаевлар энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаригача миқдорда ойлик асосида жамоатчилик ишларига жалб этилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 8 фуқарога, жумладан, фуқаро Абира Жўраева, Челонғу қишлоғида яшовчи Собир Асадов ва бошқаларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими моддий ёрдам ажратадиган бўлди.

"Урганжиён" маҳалла фуқаролар йиғини Кўлипалос қишлоғида яшовчи Моҳинур Ҳабибова 2 фарзанди билан турмушидан ажрашгани боис нафақа ва алиментга муҳтож эканини айтиб, бу борада кўмак сўради. Депутат бу масалани ҳам ижобий ҳал этди — фуқарога шу йилнинг февраль ойидан моддий ёрдам тайинланадиган бўлди. Шунингдек, туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси шифокорлари уни тиббий кўрикдан ўтказди. Моҳинур Ҳабибовадан ташқари тиббий кўрикка муҳтож бўлган яна 6 фуқаро ҳам тўлиқ бепул тиббий текширувдан ўтказилди, зарур муолажалар қилинди.

Депутат "Ғазберон" МФЙ ҳудудидаги ўрганишлари давомида 34-умумтаълим мактаби шарт-шароитлари билан танишди. Иситиш тизимида учраётган муаммолар депутат эътиборини тортди — мактаб маъмурияти газ босими пастлиги боис синфхоналарни иситиш қийин кечаётганини айтиб кўмак сўради. Депутат ушбу масалада тегишли мутасаддиларга мурожаат қилди. Натижада мазкур таълим даргоҳи жойлашган газ тақсимлаш пунктида қўшимча қувур ўрнатилиб, газ босими оширилишига эришилди.

Ўрганишлар жараёнида "Тошработ" ва "Урганжиён" МФЙ ҳудудида мактабгача таълим муассасаларига эҳтиёж борлиги аниқланди. Жаҳонгир Ширинов ушбу масалада ҳудуддаги бир гуруҳ тадбиркорлар билан сухбатлашди. Мазкур ҳудудда хусусий мактабгача таълим муассасасини барпо этиш бўйича таклифлар билдирилди. Депутат бу борада тадбиркорларга зарур ҳуқуқий маслаҳат берди. Жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида ҳудуд болалари учун янги таълим-тарбия даргоҳини барпо этишга келишиб олинди.

Челонғу қишлоғида яшовчи Равшан Тўлаевнинг фарзанди Дилшод Асадовда ногиронлик бор, уни нафақага чиқариш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш зарур. Ушбу хонадонда бўлган парламент аъзоси бу оилага кўмак бериш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимига мурожаат қилди ва моддий ёрдам ажратилишига эришди.

— Ўзимиз сайлаган депутат билан юзма-юз учрашиб, муаммо-масалаларни айтиб, кўмак сўрадик, мана, ўғлимга, оиламизга ёрдам кўрсатилди, — дейди Равшан Тўлаев. — Парламент аъзоларининг шундай уйма-уй юриб, аҳолидан хабар олаётгани, муаммоларимизни ҳал қилиб бераётгани Президентимиз илгари сурган халқ билан мунтазам мулоқот қилиш ғоясининг амалдаги ифодаси бўлаётир.

Ошкора мулоқот ва амалий таклифлар

Ҳудудларни ривожлантириш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишда халқ вакили ҳамиша фаол ва талабчан бўлиши, сайловчилар манфаати йўлида тиниб-тинчимаслиги лозим. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Жумабоев Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқот қилди.

"Фозилмон" ва "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан ўтган учрашувларда қатор мурожаатлар бўлди. Жумладан, 15 январь куни "Мустақиллик" МФЙ ҳудудидаги аҳоли билан мулоқотларда турли масалаларга оид 13 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилган. Мурожаатларнинг 4 таси шаҳар, 4 таси вилоят ҳамда 3 таси республика даражасида ҳал этилиши инобатга олиниб, барчаси депутат назоратига олинган. Шу куни депутат ҳудудаги ўндан ортиқ хонадонга бориб, уй эгаларини қийнаётган муаммоларни ўрганди. Аниқланган муаммолар юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарларига тегишли йўл-йўриқлар берилди. Жумладан, кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган С.Аҳмадалиевга Хонобод шаҳар ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар уй-жой ажратиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди.

Фуқаро М.Рўзиматова соғлиғи яхши эмаслигини, тиббий кўрикдан ўтишга имконияти йўқлигини айтиб, депутатдан кўмак сўради. Акмал Жумабоев ушбу масала юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилди. Натижада фуқаро рўйхатга олиниб, шифохонага ётқизилди.

Фозилмон кўчасида истиқомат қилувчи аҳолидан тушган мурожаатга кўра, кўча атрофидаги симёғочлар эскиргани боис уларни янгисига алмаштириш заруратти бор. Ушбу масала ҳам депутат кўмаги билан ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, депутат ҳудуддаги ўрганишлари давомида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, ишбилармон аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу борада "Ишонч Пудрат" масъулияти чекланган жамияти вакиллари мазкур МЧЖ фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкдан кредит олишда кўмак беришини сўраб мурожаат қилди. Депутат кўмаги билан Республика АТ "Халқ банки"га 100 миллион сўм миқдорида кредит олиш бўйича тегишли ҳужжатлар тақдим қилинди.

Мутасаддилар масъуллигини ошириш — депутат зиммасидаги муҳим вазифа

Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида бўлган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилованинг ҳудуддаги ўрганишлари натижасида аксарият муаммони жойида ҳал қилиш имкони борлиги маълум бўлди. Бу эса турли соҳа вакилларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашини тақозо этади, холос. Дастлаб туманнинг "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган депутат Чандир қишлоғи ҳудудидаги Машъал, Тинчлик, Бўстон, Насаф, Амир Темур ва Бобур Мирзо кўчаларини асфальтлаштириш бўйича туман ободонлаштириш бошқармасига таклиф киритди.

Тумандаги 32-умумтаълим мактаби 300 ўринга мўлжалланган, айни пайтда бу масканда 500 ўқувчи таҳсил олмоқда. Шу боис, 1990 йилда қурилиши тўхтаб қолган мактабнинг янги биносини реконструкция ва қайта таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш жоиз. Бу масалани яқиндан ўрганган депутат Халқ таълими вазирлигига депутатлик сўрови билан чиқадиган бўлди.

Миришкор туманида қишлоқлараро автотранспорт қатновини йўлга қўйиш ҳам асосий масалалардан саналади. Бу масала, айниқса, "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига анча ташвиш туғдираяпти. Депутат аҳоли вакилларининг ушбу муаммолари юзасидан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Қашқадарё вилоят филиалига таклиф киритди.

Туманнинг "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган Дилфуза Жалилова дастлаб бу ердаги мактабгача таълим муассасаси билан танишди. Мазкур муассаса таъмирталаб ҳолга келиб қолган, унинг шарт-шароитларини яхшилаш, болалар қамровини кенгайтириш зарур. Ушбу МТМнинг ҳолатини яхшилаш депутат назоратига олинди.

Аҳоли томорқаларини оқова сув билан суғориш тизимини йўлга қўйиш ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Аммо ҳудудда талай муаммо бор. Депутат томонидан Миришкор тумани "Чандир ҳаёт булоғи" сув истеъмолчилари уюшмасига киритилган таклиф ҳам тез орада ўзининг ижобий ечимини топадиган бўлди. Уюшманинг мутасадди раҳбарлари бу амалий ишга ҳозирдан киришилганини билдирди.

"Чандир" маҳалла фуқаролар йиғини — Миришкорнинг энг катта ҳудуди саналади. Мазкур ҳудуддаги ўрганишлар давомида депутат қатор муаммо ва масалаларга эътибор қаратди. Жумладан, 31-умумтаълим мактаби фаолияти билан танишилганда, 2 нафар инглиз тили ва 2 нафар рус тили ўқитувчиси етишмаслиги маълум бўлди. Депутат ушбу масалада Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси ва Миришкор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига таклиф киритди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, ушбу жабҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишларни босқичма-босқич амалга ошириш — давр талаби. Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт соҳасидаги амалий ишларни назорат қилиш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг масъуллигини ошириш мақсадида Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси тузилгани, қўмитага ЎзМТДП фракцияси масъул этиб белгиланган партиямиздан сайланган депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ана шундан келиб чиқиб, Дилфуза Жалилова ҳудуддаги тиббиёт муассасаларида ҳам бўлиб, улар фаолиятини ўрганди. Ўрганишлар давомида "Чандир" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги тез тиббий ёрдам бўлимига тез ёрдам машинаси ажратиш ҳамда Чандир қишлоқ шифохонасида реконструкция ишларини олиб бориш, шифохонада бир нафардан стамотолог ва акушер-гинеколог, 2 нафардан педиатр ва терапевтга эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Бу борада парламент аъзоси Соғлиқни сақлаш вазирлигига депутатлик сўрови билан чиқадиган бўлди.

Ҳар бир оила, ҳар бир одам манфаати йўлида

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Қулматов Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги ўрганишлари давомида тиббиёт ва таълим муассасалари ҳолати билан танишди, 3 маҳалла фуқаролар йиғини ва қатор хонадон вакиллари билан учрашди. Учрашувлар мобайнида депутатга аҳоли вакиллари ўзларини ўйлантираётган, қийнаётган муаммолар, камчиликлар ва таклифлар билан мурожаат этдилар. Масалан, Қурбонали Жўраев кам таъминланган оилалар рўйхатида туради. Тўрт марта инсульт касаллигини бошидан кечирган. Фуқаро депутат билан мулоқот чоғида ўзини 1-гуруҳ ногиронлигига ўтказиш, аёлига унга қараётганлиги боис меҳнат дафтарчаси очиш, беморнинг аҳволидан хабар олиш учун ҳамшира тайинлаш ҳамда ўғли Салоҳиддин Жўраевни иш билан таъминлаш юзасидан мурожаат қилди. Юқоридаги масалалар бўйича туман Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари билан Салоҳиддинни февраль ва март ойлари учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига бириктириш юзасидан келишиб олинди.

Мустақиллик маҳалласи Маърифат кўчасида яшовчи Лола Жўраева 1-гуруҳ ногирони. Фуқаронинг хонадонига борилганида унинг соғлигида муаммолар борлиги маълум бўлди ва зудлик билан туман шифохонасига ётқизилди.

"Обод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қаҳрамон Йўлчиев бандлик масаласида кўмак сўраб мурожаат қилган эди. У депутат кўмаги билан "Оқолтин Агро капитал" фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди.

Оқолтинликлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ўз вакиллари билан юзма-юз мулоқот жараёнида турли масалаларда мурожаат қилдилар. Депутатга аҳолидан келиб тушган мурожаатларинг 22 таси уй-жой, коммунал соҳа, 6 таси бандлик, 4 таси соғлиқни сақлаш, 4 таси банк-кредит, 3 таси тадбиркорлик, таълим ва транспорт, йўл қурилиши соҳаларига тегишли экан. Кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. 17 масала туман, 3 масалани эса вилоят миқёсида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Тадбиркорлар фаолияти доимий эътиборда

Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида бўлган ЎзМТДП фракцияси аъзолари Акмал Умрзоков ҳамда Шерзод Раҳимов тумандаги "Ёзёвон", "Тегирмонбоши" ва "Баҳор" МФЙ ҳудудидаги хонадонларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан мулоқот олиб борди. Ушбу ҳудудларда маҳаллий аҳолидан асосан уй-жой-коммунал, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, банк-кредит, тадбиркорлик, транспорт ва йўл қурилиши каби масалаларда мурожаатлар бўлди.

"Баҳор" МФЙ ҳудудидаги Бахмал кўчасида яшовчи Розияхон Ҳусанова иссиқхонасини кенгайтириш мақсадида кредит сўраб мурожаат қилди. "Тегирмонбоши" МФЙ ҳудудидаги Истеъдод кўчаси 2-уйда яшовчи Раҳматжон Аҳмадалиев 2017 йил май ойида тадбиркорлик фаолияти юритиш учун Амир Темур кўчасида бўш турган ердан жой сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Лойиҳалар чизилиб, ҳужжатлар тасдиқланган. Аммо шу вақтга қадар ажратилаётган ер кимошди савдога қўйилиши керак, деган баҳона билан масала ҳал этилмай қолиб кетган. Тегирмонбоши кўчаси 25-уйда яшовчи Адҳамжон Маҳмудов бир неча бор "Агробанк" маъмуриятига асаларичилик билан шуғулланиш мақсадида лойиҳа тайёрлаб, кредит олиш учун ёрдам сўраган, лекин турли баҳоналар билан ололмаган. Лутфий кўчаси 19-уйда яшовчи Махситали Усмонов ҳам иссиқхонасини кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилди.

Учрашув давомида аксарият мурожаатлар тегишли мутасаддилар иштирокида жойида ҳал этилган бўлса, қолган муаммолар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди ва назоратга олинди.

— Парламент аъзоларининг ҳар бир ҳудудда бўлиб, оддий одамларнинг дарду ташвишлари билан қизиқаётгани, муаммоларимизга ечим топишга интилаётгани бизни беҳад қувонтириши билан бирга, янги куч-ғайрат билан ишлашга, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга ундайди, — дейди фуқаро Адҳамжон Маҳмудов. — Депутатлар билан бўлиб ўтган учрашув давомида тадбиркорлик фаолиятимизда дуч келаётган масалалар юзасидан мурожаат қилдик. Бу борада улар кўмаги билан аниқ натижага эришамиз.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ҳудудлардаги ўрганишлари, аҳоли билан мулоқотлари ҳар жиҳатдан самарали кечди. Кўплаб масалалар, соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар, одамларни ўйлантираётган, ўз ечимини кутаётган масалалар депутатлар кўмагида ҳал этилди ва уларнинг назоратига олинди. Бу эса парламент ва депутатлик назоратини ўрнатган ҳолда жойлардаги масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Муслима РЎЗИЕВА,
Саврионй МАЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Бухоро, Сирдарё вилоят кенгашлари матбуот котиблари,
Муҳтарама КОМИЛОВА,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Маҳаллий Кенгашларда

ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ СЕССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Парламент аъзолари ҳам жойлардаги фаолияти давомида тиббиёт муассасаларининг ҳолати, кўрсатилаётган хизматлар сифати билан яқиндан танишди. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг парламент аъзолари иштирокида ўтган навбатдаги сессиясида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Сессияда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Азиз Жўраев тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

— Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан вилоятда тиббий хизмат тизими аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қайта ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларига аҳолининг профилактика мақсадидаги қатнови йил давомида 34 фоиздан 42 фоизга ошган. Тез тиббий ёрдамнинг чақирув манзилига кечикиб бориши 60 фоизга камайган. Тез тиббий ёрдам бригадасини молиявий таъминлаш 2 бараварга, дори воситаси билан таъминлаш 2,5 бараварга кўпайтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан вилоятдаги бир қатор ихтисослашган тиббиёт муассасаларига малакали мутахассислар раҳбар этиб тайинланди. Уларнинг асосий вазифаси – ўз йўналишида вилоятимизда тажриба мактаби яратишдан иборат. Бир қатор мураккаб операция ва муолажалар бевосита вилоятдаги ихтисослашган тиббиёт муассасаларида амалга оширилмоқда. Соҳада эришилаётган самарали натижалар билан бирга, айрим муаммо ва камчиликлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, вилоят скрининг маркази фаолиятини янада яхшилаш лозим. Чунки скрининг маркази туғма хасталикларни тўла аниқлашга мослаштирилмаган. Бундай ускуна ҳозирда марказда йўқ. Натижада кўп ҳолларда туғма хасталикларни эрта аниқлаш имкони қўлдан бой бериляпти.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар сессия иштирокчиларининг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлди. Депутатлар тиббий хизмат сифатини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Сессия якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши сессиясида ҳам туманда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўлами сарҳисоб қилиниб, муаммоларни ҳал этиш чоралари муҳокама марказида бўлди.

Йиғилишда Хоразм вилоятидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбар ва мутахассислари, вилоят ва туман мутасаддилари, нодавлат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Иноят Ҳожиев туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволини ўрганиш натижалари тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, туманда аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар аҳволи юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Маълумки, Янгибозор тумани вилоят марказидан нисбатан узоқ жойлашган. Бугунги кунда туманда аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатувчи 11, шу жумладан, 3 хусусий тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Туманда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш борасида бир қатор ташкилий ва амалий ишлар олиб борилган. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича тумандаги мавжуд 12 қишлоқ врачлик пункти негизида 3 қишлоқ врачлик пункти ва 3 оилавий поликлиника ташкил этилган. Шунингдек, туман тез тиббий ёрдам бўлими иккита "Дамас" русумли автомашина ҳамда битта реанимобиль билан таъминланиб, 64-сонли оилавий поликлиника қошида ҳамда "Оёқдўрман" ҚВП негизида тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил қилинган. ҚВП ва поликлиникаларнинг иш вақти соат 8:00 дан 20:00 гача қилиб белгиланган, дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражаси яхшиланган. Тез тиббий ёрдам шохобчаларини мувофиқлаштирувчи диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича тез тиббий ёрдам бўлимидаги телефон тармоқларига автоматик овоз ёзиб олиш мосламалари ўрнатилган ва компьютерлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилган.

Сессияда туман ДСЭНМ ва молия бўлими раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Таъкидланганидек, туманда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш борасида бир қатор ишлар қилинган. Аҳоли, айниқса, болалар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши эмлаш ишлари тўлиқ назоратга олинган.

Сессияда туманда соҳага доир талай муаммолар ҳам мавжудлиги танқид қилинди. Хусусан, туман марказий шифохонасининг қабулхонасида беморлар учун зарур шароитлар яратилмаган, қабул жараёнини тезлаштириш ва соддалаштириш мақсадида замонавий АКТ имкониятларидан фойдаланиш йўлга қўйилмаган, беморлар ва уларнинг яқинлари учун кутиш жойлари номигагина ташкил этилган, шифохонада юмшоқ жиҳозлар, чойшаблар етишмайди. Шунингдек, туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ишлар яхши йўлга қўйилмагани, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш жараёнлари талаб даражасида ўтказилмаётгани, патронаж ҳамширалар фаолиятини янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

Сессия муҳокамалари асосида келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни зарур компьютер техникаси билан таъминлаш ҳамда улар томонидан юритиладиган ҳужжатларни мақбуллаштириш ва соддалаштириш, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни, тегишли дастурларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш, бу ишлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш чораларини кўриш белгиланди. Депутатлар ҳар ўн кунда ўзлари сайланган ҳудудда жойлашган тиббиёт муассасаларига бориб, уларнинг ҳолати билан танишиш ҳамда мавжуд масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатиши бўйича фикр алмашилди.

Сессияда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТОЛАРДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2017 йилда ЎзМТДП Андижон вилоят ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб фаолият олиб борди. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар ўз фаолияти давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, сайловчи ишончини оқлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга аҳоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, маданий мерос объектларини муҳофазалаш, таълим муассасалари билан боғлиқ масалаларни депутатлик сўровлари, тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш, доимий комиссия ва сессияларга таклифлар, ташаббус-масалалар олиб чиқиш орқали ҳал этишга кўмаклашилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан қонун ва ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан ҳамда фуқаролар мурожаати асосида жами 427 депутатлик сўрови юборилган бўлса, шундан 306 тасига ечим топилди. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан 30 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, маҳаллий Кенгаш сессияларига 13 ташаббус-масала олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Айни пайтда ЎзМТДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида 422 қуйи бўғин фаолият юритмоқда. Жойларда фаол ва ташаббускор қуйи бўғинлар ташкил этаётган тадбирлар, олиб чиқаётган масалалар, аҳоли мурожаатлари ҳал этилиши вилоятда ЎзМТДП нуфузини мустаҳкамлаб, аҳолининг партияга ишончини ошираётир. Бунга Жалақудуқ туманидаги "Бештол", "Урғу" маҳалла фуқаролар йиғинлари, Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган қуйи бўғинлар фаолияти яққол далил бўла олади. Бироқ бу гапни барча бошланғич ташкилотларга нисбатан айтиб бўлмайди. Чунки ҳудуддаги "Андижон саноат қувват" МЧЖ, Асака туманидаги "Арғинг" МФЙ да ташкил этилган бошланғич партия ташкилотлари тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш, фаолиятга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашда қатор камчиликларга йўл қўймоқда. Айни пайтда бошланғич тузилмалар етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида интерфаол машғулотлар ўтказиш, партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш, сайловчилар билан ўзаро алоқани янада мустаҳкамлашга оид таклифлар ишлаб чиқилиб, фаолиятга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Андижон вилоятидаги аъзоларининг қарийб 58 фоизи хотин-қизлардан иборат. Жамиятимизда ўз ўрни ва фуқаролик позициясига эга, етакчи хотин-қизлар ҳисобига партия сафи кенгайиб бормоқда.

Вилоятда намунали ва ибратли оилалар кўп. Афсуски, шоли курмаксиз бўлмаганидек, нотинч оилалар ҳам кам эмас. Айрим оилалардаги маънавий муҳит издан чиққани, келин ва қуёвнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, эрта никоҳ оқибатлари, қайнона ва келин зиддиятлари каби турли сабаблар оилавий ажралишларга олиб келмоқда. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бундай ачинарли ҳолатларнинг олдини олиш йўлида партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" талай ишларни амалга оширди. Хусусан, ушбу долзарб мавзуга бағишланган турли тадбирлар ташкил этди. Уларда аҳолини ташвишга солаётган, рўзғорда учраб турадиган муаммоларни бартараф этиш, оилавий ажримларга барҳам бериш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалалари тарғиб этилди.

Сирдарё. Сиёсий партия мақсад-вазифалари рўёбида унинг асосий таянчи бўлган бошланғич партия ташкилоти фаолияти муҳим ўрин тутади. Аҳолига энг яқин ҳисобланган қуйи бўғин электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этишда кенг имкониятга эга. Айни пайтда вилоятда 339 қуйи бўғин фаолият олиб бормоқда. Мазкур қуйи бўғинлар ўз фаолиятини партия дастурий мақсадлари, бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишга интилмоқда.

Аммо, афсуски, барча бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Жойларда электоратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, партия фаоллари билан алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ана шундай тузилмалар сони ўтган йилда атиги 14 тага ортди. Сайхунобод туманидаги "Турон", Сирдарё туманидаги "Ёшлик", Ховос туманидаги "Чаманзор", Мирзаобод туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган бошланғич партия ташкилотларида партиявий фаолият тажрибаси, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар, белгиланган вазифалар ва мажбуриятларни бажаришда ташаббускорлик, самарадорлик, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги фаоллиги, депутатлик корпуси билан ҳамкорликда сусткашлик кўзга ташланади. Айни пайтда партия Сирдарё вилоят кенгаши ўз фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида жойлардаги қуйи бўғинлар самарадорлигини ошириш, энг илғорларини рағбатлантириш, бу борада тўпланган ижобий тажрибаларни оммалаштириш, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларидаги партия гуруҳлари амалга ошираётган ишларни тарғиб этиш ва тушунтириш ишларини кўрмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб ҳаётий масалаларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Партия дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот ва мансабдор шахсларга фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, долзарб ҳудудий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш ва депутатлик назоратини олиб бориш партия гуруҳлари зиммасидаги энг муҳим вазифа саналади.

— Айни пайтда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган 60 нафар депутат фаолият олиб бормоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Норбобо Соатов. — Улар аҳолини ўйлантираётган масалаларни кўтариб чиқиш, муаммоларни ҳал этишга яқиндан кўмак бераётир. Бугун маҳаллий Кенгаш депутатларининг ваколатлари жуда кенг. Шундай бўлса-да, бу имкониятлардан тўлақонли фойдаланиляпти, деб бўлмайди. 2017 йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича 381 депутатлик назоратини амалга оширди, уларнинг 246 таси ижобий ҳал этилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 23 ташаббус масала олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Бу кўрсаткич ўтган йилги билан таққосланганда 14 тага кўп. Ушбу саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган.

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашидаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш секторига келиб тушган 364 та мурожаатдан 102 таси коммунал соҳа, 18 таси уй-жой ва ер масаласи, 24 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсия, 52 таси соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича, 21 таси банк-кредит, 72 таси эса бошқа масалаларга оиддир. Мурожаатларнинг 213 таси партия ташкилотлари ҳамда депутатлар иштирокида ижобий ҳал этилиб, қолганларига тушунтиришлар берилган.

Партия ташкилотлари аҳолининг муаммолари ва қизиқишларини ўрганиш мақсадида ташкил этган "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида 91 та мурожаат тушди ва уларнинг аксарияти ўз ечимини топди.

Партиянинг йирик лойиҳаларидан бири бўлган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида 7 та туман (шаҳар)да 11 та бепул ўқув курси фаолияти йўлга қўйилган эди. Ушбу ўқув курсларига 59 нафар уюшмаган ёшлар жалб қилинди. Шулардан 5 нафари олий ўқув юрти талабаси бўлди. Айни пайтда ушбу лойиҳа доирасида 2 та ўқув курси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Юқоридагиларга эътибор қаратсак, ўтган йилда ЎзМТДП Сирдарё ва Андижон вилоят кенгашлари ҳамда партия гуруҳлари фаолиятида жонланишни кўриш мумкин. Бироқ, ушбу эришилган муваффақиятлар, ютуқлар хотиржам бўлиш, қониқиш ҳосил қилиш учун етарли эмас. Аксинча, барча даражадаги партия ташкилотлари ва ҳар бир депутат электорат манфаати учун тинмай изланиши, бурч ва масъулиятини чуқур ҳис қилиб, фаоллик кўрсатиши лозим. Бу саъй-ҳаракатлар эса, ўз навбатида, партия дастурий мақсад-вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилишига, электорат манфаатлари таъминланишига, ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар ўз вақтида ҳал бўлишига хизмат қилади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайёр қабул

ФУҚАРОЛАР ФАҚАТ ЎЗ ДАРДУ ТАШВИШИНИ АЙТМАЯПТИ, БАЛКИ...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ҳаётбахш гояси бугун мамлакатимиз давлат бошқаруви тизимида қатъий тамойилга, барча даражадаги раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда асосий мезонга айланмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари шаҳар ва туманлар, чекка қишлоқларда ўтказаётган сайёр қабуллар аҳоли билан очиқ мулоқот қилиш, муаммоларга ечим топиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Бойсун туманининг Ҳунармандлар, Мехриобод, Кўчкак маҳаллаларида ўтказган ана шундай тадбирларда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, вилоят ва туман партия ташкилотлари ходимлари аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганди. Очиқ мулоқотда 30 га яқин мурожаат ўрганилиб, аксарияти мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида жойида ижобий ҳал этилди.

— Фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказса, кўнглимиз хотиржам бўлади, шу боис, маҳалламиз ҳудудида кичикроқ бўлса ҳам футбол майдони барпо этишда кўмак сўраб мурожаат қилдим, — дейди Ҳунармандлар маҳалласида яшовчи Шавкат Норов. — Туман ҳокимлиги ва партия ташкилоти мурожаатимни ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам берадиган бўлди.

Сайёр қабулда Мехриобод маҳалласида яшовчи, 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулнора Нормаматова маҳалла ҳудудида мактабгача таълим муассасаси қуришда, 3-умумтаълим мактаби директори Шуҳрат Фармонов яроқсиз ҳолга келиб қолган ва узоқ йиллардан бери фойдаланилмаётган мактаб биноси ўрнига бошланғич синфлар учун қўшимча бино қуришда ҳамда мактаб кутубхонаси фондини бадиий китоблар билан бойитишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаатлар ўрганилиб, 2018 йилда ҳудудни ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурга киритилди.

Мехриобод маҳалласида истиқомат қилувчи Фароғат Норқулова банкдан таълим кредити олиш масаласида амалий ёрдам сўради. Фуқаронинг бу мурожаати ўрганилиб, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Абдулла Раҳимов томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Кўчкак маҳаласида ташкил этилган сайёр қабулда ҳам фуқаролар фаол иштирок этди.

— Маҳалламиз ҳудудида жойлашган 7-умумтаълим мактаби 240 ўринга мўлжалланган бўлса-да, бироқ бугун ушбу таълим маскани 600 ўқувчи таълим олмоқда, — дейди мактаб ўқитувчиси Самат Сафаров. — Шу сабабли ўқитиш жараёни уч сменада амалга оширилмоқда. Мактаб биносини кенгайтириш ёки янгисини барпо этиш зарур. Ана шу масаладаги мурожаатимни депутатлар ўрганиб чиқиб, вилоят халқ таълими бошқармасига депутатлик сўрови юборадиган бўлди.

— Аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бераётир, — дейди ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши раиси Даврон Орипов. — Бугунги сайёр қабулда кўплаб мурожаатларни ўргандик. Фуқаролар сайёр қабулда фақат ўз дарду ташвиши билан чекланиб қолмаяпти, балки ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан мурожаат қиляпти. Депутатлар уларнинг мурожаатларига атрофлича жавоб қайтарди. Кўплаб мурожаатларга шу жойнинг ўзида ечим топилди. Айрим масалалар бўйича учрашув қатнашчиларига тегишли ҳуқуқий маслаҳат берилди. Кўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан мутасадди идора ва ташкилотлар вакилларига депутатлик сўрови юборишга келишиб олинди.

Ойдин НАСРИДДИНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил

ТУРИЗМ ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИ РИВОЖИ

УНГА ЎзМТДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚАНДАЙ ҲИССА ҚЎШМОҚДА?

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтириш, шубҳасиз, халқимизнинг бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини, маданий мерос объектлари, шаҳарларимизнинг ўзига хос жиҳатларини дунёга танитишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда туризм ва маданият соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада кўплаб муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани замирида ҳам мана шундай мақсад мужассам.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Пресс-холда ташкил этилган матбуот анжуманида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов таъкидлаганидек, бугун мамлакатимиз туризм салоҳиятини тубдан янгилаш, тизимда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқимизнинг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш, "Хавфсиз туризм" концепцияси ижроси, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини жаҳон сайёҳлик бозорига олиб чиқиш борасида кенг қамровли амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга соҳада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжуд. Хусусан, анъанавий маданий-тарихий туризм билан бирга унинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гострономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик, болалар, ўсмирлар, ёшлар туризми, оилавий ва кексалар учун ижтимоий туризм каби янги турларини ривожлантириш, ички туризмни янада кенгайтириш — бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Хўш, бу борада ўз сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, жумладан, туризм марказларидан бири ҳисобланган Бухоро вилоятида партия ҳудудий ташкилоти қандай амалий ишларни илгари сурмоқда?

— Партия вилоят кенгаши Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорлик меморандуми имзолаган, — дейди ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саид Ҳамроев. — Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи Президентимизнинг "2017-2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини муҳокама қилди. Муҳокама доирасида ушбу масала юзасидан Туризмни ривожланлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Маҳмудовнинг ҳисоботи тингланди. Ушбу ҳисобот халқ депутатлари Когон шаҳар, Когон, Шофиркон, Жондор ва Бухоро туманларидаги партия гуруҳлари томонидан ҳам эшитилди. Муҳокама жараёнида асосан вилоятда туризмни ривожлантириш билан боғлиқ камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида партия ташкилоти Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси билан вилоятдаги 660 маданий мерос объектини тўлиқ хатловдан ўтказди. Уларни асраш, келажак авлодга етказиш ҳамда вилоятда туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида маҳаллий Кенгашлар сессияларига 11 ташаббус-масала киритилди. Бунинг натижасида таъмирлаш ва кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 4 миллиард сўм ажратилиб, Арк мажмуаси, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Лаби Ҳовуз, Мири Араб мадрасаси, Моҳи хосса ва Чорминор мажмуалари жорий таъмирдан чиқарилиб, 20 дан ортик маданий мерос объектлари ободонлаштирилди.

Шунингдек, ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзолари ҳамда депутатлар Когон темир йўл вокзалида бўлиб, ундаги меҳмонхона ва божхона постлари ҳолатини, у ерда йўловчи ва сайёҳлар учун яратилган шароит ва қулайликларни ўрганди. Ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Партия вилоят кенгаши Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва маданият бошқармаси ҳамкорлигида Бухоро туризм коллежи талабалари билан очиқ мулоқот ташкил этди. Унда ёшларга юртимизда маданият ва туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентимизнинг соҳа вакиллари билан учрашувидаги фикр-мулоҳалари ва вазифалар мазмун-моҳияти тушунтирилди. Шунингдек, очиқ мулоқот коллежда туризм соҳасини ўқитиш қандай ташкил этилгани, бу борадаги янгиликлар таълим жараёнига қай йўсинда татбиқ этилаётгани ҳақида ёшларнинг эркин фикрларини ўрганиш имконини берди, уларнинг хоҳиш-истаклари билан ўртоқлашилди.

Мазкур ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳозир амалда бўлган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонунини такомиллаштириш жараёнида амалиётдан келиб чиққан ҳолда қатор таклифлар берилди.

— Партия ташкилотимиз вилоятда маданият соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг маданий, илмий-интеллектуал меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ўрганиш ва янада кўпайтириш, маданият ва саньатимиз ютуқларини халқаро майдонда тарғиб қилиш каби мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳам фаоллик кўрсатишга интилмоқда, — дейди ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Беҳзод Жўраев. — Партия вилоят кенгаши маданият бошқармаси билан ҳамкорлик меморандумини имзолагач, қатор лойиҳалар йўлга қўйилди. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли" лойиҳаси доирасида турли тадбир ва семинарлар, "Мустақил Ватанда оналар эъзозда" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, "Миллий тикланиш" соврини учун" спорт мусобақалари, "Озод юртнинг бахтли фарзандлари!" мавзусида фестиваль, сайёр қабуллар доирасида навқирон авлод билан очиқ мулоқотлар, ёшлар иқтидорини қўллаб-қувватлашга қаратилган танловлар шулар жумласидандир.

Вилоят маданият бошқармаси вакиллари билан ҳамкорликда яқинда қабул қилинган "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар берилди.

Мухтасар айтганда, партия Бухоро вилоят кенгаши Президентимизнинг маданият ва туризм соҳалари ривожи учун белгилаб берган вазифалари, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, мамлакатимизда маданият ва туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида жорий йилда янги лойиҳа ва амалий саъй-ҳаракатларни илгари суришни режалаштирган. Зеро, бугун сиёсий партиялар мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозим.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

"Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино саньати орқали амалга оширишимиз керак". Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августда мамлакатимиз ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда айтган бу сўзлари миллий кино ва театр саньати мутасаддилари зиммасига улкан масъулият ва вазифаларни юклади. Дарҳақиқат, кино ва театр саньати инсон маънавиятини юксалтиришда беқиёс ўрин тутади. Тасвирга олинган ёки саҳналаштирилган асар, актёрлар маҳорати, кўтарилган мавзу, сюжет — буларнинг барчаси биргаликда инсонни ё эзгулик сари бошлайди ёки уни тубсиз чоҳга итқитади.

КИНО ВА ТЕАТР САНЪАТИ

ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Яратилаётган кино ва спектакллар бугунги давр талабига қанчалик жавоб бера олади? Улар миллий анъаналаримиз ва менталитетимизга нақадар мос? Бу асарларда аждодларимиз қиёфаси ва замон қаҳрамони образи қай даражада акс этмоқда?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Бизнинг кино, бизнинг театр" лойиҳаси шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида ишлаб чиқилди. 2018 йилда мазкур лойиҳа доирасида партиянинг ҳудудий ташкилотлари ҳам турли давра суҳбати, учрашув ҳамда очиқ мулоқотлар ташкил қилишни режалаштирган. Партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши "Шарқ юлдузи" кинотеатрида ташкил этган миллий меросимизни асраш ва кенг тарғиб этиш, замонавий қаҳрамонлар тимсолларини яратиш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган очиқ мулоқот айни шу мақсадга қаратилган.

Тадбирда "Ўзбеккино" миллий агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими ҳамда вилоят мусиқали драма театри ходимлари, Самарқанд давлат университети талабалари, бошланғич партия ташкилоти фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Азим Солиев, Самарқанд вилоят мусиқали драма театри директори Баҳодир Шаропов юртимизда миллий кино ва театр саньати ривожи йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, юртимизда кино ва театр саньатини тубдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ўзбекфильм" ва илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар киностудиялари, театр бинолари жаҳон андозаларига мос реконструкция қилинмоқда. Яратилган фильмлар, қолаверса, миллий тарихий асарларни суратга олишга давлатимиз кенг шароит яратаётир.

— Биз ижодкорлар қачонки миллий маданиятимиз, тарихимиз, қадриятларимиз, буюк аждодларимиз аслида ким эканини ҳаққоний тасвирлай олсак, ўз фильмларимиз, спектакларимиз билан томошабинда, халқимиз қалбида аждодларимизга чексиз ҳурмат туйғусини шакллантирсак ўз мақсадимизга етган бўламиз. Бунинг учун бизда барча имконият бор. Фақат ташаббус кўрсатиб ижод қилишимиз керак, — деди вилоят мусиқали драма театри директори Баҳодир Шаропов.

Очиқ мулоқотда хусусий киностудиялар суратга олаётган айрим кинофильмларнинг савияси паст, тарбиявий аҳамияти саёз экани кенг муҳокама этилди. Миллий-тарихий қаҳрамонлар образларини янада кўпайтириш, уларни кенг омма эътиборига ҳавола этиш, бунда мутасадди ташкилотлар, мутахассислар ва ёшлар билдираётган ғоя ва фикрларни инобатга олган ҳолда фаолият олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

— Бугун айрим "кино"чилар саньатга фақатгина даромад манбаи, машҳурликка элтувчи йўл сифатида қарайди ва ўзининг дунёқарашига яраша ижод қилади. Унинг "ижод маҳсули", айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсатишини ўйлаб ҳам кўрмайди, — деди Самарқанд давлат университети талабаси Содиқжон Худойназаров. — Экранлаштирилган ёки саҳнага олиб чиқилган асар миллий маънавиятимиз, анъаналаримизни ёшлар онгига сингиришда муҳим аҳамият касб этар экан, уларнинг бадиий савияси, сифати ва музмун жиҳатдан мукаммаллиги, замонавий технология имкониятларидан кенг фойдаланиш масаласи биринчи ўринда туриши шубҳасиз. Мулоқот чоғида соҳа вакиллари билан муҳокама этилган бу борадаги фаолият танқидий таҳлил этилди, ёшлар мазкур масалаларга оид ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Очиқ мулоқот давомида театр ва кино саньати инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган куч эканлиги эътироф этилди. Иштирокчиларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган "Ота уй" номли фильм намойиш этилди.

Жамшид ХУШВАҚТОВ,
ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Сарҳисоб

ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИГА БОҒЛИҚ

Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлиши, унинг ғоялари одамларга етиб боришида партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларидан фаолликни ўз ваколатларидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Бунга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар, партия гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти, улар эришган натижалар мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Партия гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташаббус-масалалар киритиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор депутатлик сўровларини амалга ошириш, ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш ва жойида ҳал этиш, халқ билан очиқ мулоқот қилишга алоҳида аҳамият қаратди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз" ҳамда "Пресс-тур" каби лойиҳалари доирасида бир қатор амалий ишлар қилинди.

Айни пайтда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган 89 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. 2017 йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича 331 депутатлик сўровини амалга оширди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 30 ташаббус-масала олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан тегишли йиғилишларда 100 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, доимий комиссия йиғилишларига 40 таклиф олиб чиқилди. Жумладан, халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда вилоят маданият бошқармаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда "Маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Навоий вилоятидаги ижросини ўрганиб, сессиялар кун тартибига ташаббус-масалалар киритилди. Жумладан, ушбу масала халқ депутатлари Навоий вилоят, Нурота, Конимех, Кармана, Қизилтепа туман Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи "Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг вилоятдаги ижроси, халқ депутатлари Хатирчи туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи "Туманда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш" масаласи ҳамда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижросини таъминлаш бўйича ташаббус-масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиб, қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Партия гуруҳлари аъзолари ўтган йилги фаолиятида аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, одамларнинг муаммо ва қизиқишларини ўрганиш ва уларга ижобий ечим топишга алоҳида эътибор қаратиб, ҳудудларда сайёр қабул, очиқ мулоқотлар ташкил этди. Жумладан, халқ депутатлари Кармана туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Азамат Қувонов ҳудуддаги "Бешкент" маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларда бўлиб, одамларни кўп вақтдан бери қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашди. Масалан, ҳудуддаги Роҳат кўчаси 2-уй, 12-хонадонда яшовчи фуқаро Дилфуза Шербекова йўл ва кўчалар ёқасидаги электр симларининг хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги, шу кўчадаги 5-уйда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Назира Муҳаммадқулова маҳаллада аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари қониқарсиз эканлиги, потранаж хизмати яхши йўлга қўйилмаганлигини айтиб, мазкур масалаларда кўмак сўради. Ушбу мурожаатлар депутат томонидан атрофлича ўрганилди, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилиши натижасида муаммоларга ижобий ечим топилди. Бу каби амалий ишлар, ўз навбатида, сайловчиларнинг депутатга бўлган ишончи мустаҳкамланиши, одамларнинг турмуш тарзи янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти таҳлили партия дастурий мақсад-вазифалари ижроси юзасидан ҳудудда сезиларли ишлар амалга оширилгани, аҳоли мурожаатларининг аксариятига ижобий ечим топилганини намоён этди.

Халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратилиши, ўз навбатида, юртимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун эканлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланаётганидан далолат беради. Зеро, халқимиз ўз ҳаётидан рози бўлса, юртимиз тинч-осойишта янада фаровон бўлади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси

Брифинг

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

ЭНДИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ҳар бир соҳада бирон-бир ўзгаришга, тараққиёт ва фаровонликка эришиш учун, аввало, замонавий етук кадрларни тарбиялаш лозим. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган брифингда айни бу жиҳатлар бот-бот таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда мактабгача таълим тизими таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилинмоқда, мазкур соҳада янги тизим яратилди. Давлатимиз раҳбари 2017 йили 19 октябрь куни соҳанинг мутасадди вакиллари иштирокида ўтказган видеоселекторда ҳам мактабгача таълим соҳасида амалга ошириладиган ишлар, истиқболдаги вазифалар хусусида билдирилган фикр ва тавсиялар тизим ривожини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда.

Брифингда таъкидланганидек, белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Унда тизим сифатини яхшилаш ва хусусий секторни кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Бугун пойтахтимизда 632 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда, шундан 447 таси Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тасарруфида бўлса, қолганлари хусусий таълим муассасаларидир, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Дилбар Нажмутдинова. — Уларда қарийб 123 минг ўғил-қиз тарбияланмоқда. Аммо пойтахтда боғча ёшидаги болалар сони бугунги кунда 190 минг нафардан ошиб кетган. Шу нуқтаи назардан қарасак, бу каби муассасаларга бўлган эҳтиёж жуда юқори.

Брифингда шаҳар ҳокимлиги вакилларининг берган маълумотларига кўра, яқин беш йил ичида мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болалар ушбу муассасаларга босқичма-босқич қамраб олинади. Бу ҳозирда Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тасарруфидаги таъмирга муҳтож ана шундай 61 масканни таъмирлаш ва янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватидан мактабгача таълим муассасаси сифатида фойдаланиш имкониятини бериш, туманлардаги бўш турган жойлардан мактабгача таълим муассасаси сифатида фойдаланишга рухсат бериш орқали амалга ошади. Шунга кўра, 2018 йил Тошкент шаҳрида янги қуриладиган ва мавжуд кўп қаватли уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватида ташкил этиладиган мактабгача таълим муассасалари режа-жадвали тасдиқланган.

Эътиборлиси, мавжуд кўп қаватли уйларда болалар боғчаси очиш истагини билдирган тадбиркорлар ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Тизимдаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида шаҳардаги бўш турган биноларда, хусусий тадбиркорлар учун ажратилаётган ермайдонларида ҳам мактабгача таълим муассасаларини қуриш учун рухсат берилган. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ якка тартибдаги хонадонларда 40-50 ўринли хусусий боғчалар очилиши кутилмоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
4 (488) 2018 йил 24 январь, чоршанба

Бугуннинг гапи

КЎР-КЎРОНА СЕРИАЛ ФАНАТИЗМИ

У БИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҚАЙ ТОМОН ЕТАКЛАМОҚДА?

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

"Zo'r TV" телеканалида намойиш этилаётган, турк киночилари суратга олган "Севги изтироби" сериали ҳар бир хонадонга кириб боргани, барчани ўз домига тортгани рост. Соат кечки саккизга бонг ураверар экан, бекаларимиз тезлик билан ишларини тамомлашга киришиб, телевизор қаршисига чўк тушади. Нима эмиш: "Ниҳон" (сериални шундай номлайдиган бўлишган) кеча зўр жойида тугаган, бугунги воқеалар жуда қизиқ бўлади".

Бугунга келиб рейтинги баланд (ҳар ҳолда сериал рекламасида шундай дейилади) сериаллар қаторидан жой олган "Севги изтироби" қаҳрамонлари худди "оила аъзосидек" "қадрдонимиз"га айланиб улгурди. Бош қаҳрамонлар Ниҳон ва Камол ёш қизларимизнинг ёқимтойи, "кумири" бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди. Бир қарашда икки қаҳрамон ҳам ёш, навқирон, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада расо инсонлардек гўё. Аммо шоҳона ҳаёт ортида "оммавий маданият"нинг жирканч қиёфаси, тарбиясизликнинг юксак намунаси "мана мен", деб бўй кўрсатиб тургани сериалга муккасидан кетган томошабинни зиғирчаям қизиқтираётгани йўқ. Эрлик аёлнинг собиқ севгилиси билан ишқ-муҳаббат қўйида юриши, оила аталмиш

муқаддас қўрғонга ҳиёнат қилиш, "сендан ўгина, мендан бўгина" қабилида иш тутишини ҳар қандай ҳолатда ҳам оқлаб бўлмайди. Бир кун қарасанг, бир-биридан юз ўгирган, ҳаётнинг зарбаларига мардонавор туришликни келишиб олишган ошиқ-маъшуқлар эртасига яна аввалгидек "ўлдим-куйдим", "беш йил умрим ҳижронда ўтди, сенсиз яшолмайман, ўламан", дея дод-фарёд солиб, алалоқибат қайта топишиб олишга ҳам улгуради. Поччаси билан ишқий муносабатга киришган, ҳатто фарзанд орттириб, эри билан ҳеч нарса бўлмагандек яшаш, ота-онага нисбатан ҳурматсизлик, ака-укачилик, жигарчилик, қон-қариндошлик ришталарининг қадрсизланиши, очиқ кийиниш ва шунга ўхшаш кўплаб ахлоқсизлик ҳолатларини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Меҳр-муҳаббат, ор-номус, ибо ва ҳаё каби муқаддас туйғу-тушунчаларни шунчалар арзон билиш, не кўйларга солиш ярамайди. Ахир дунё ва унинг мувозанатини сақлаб турган нарсалар шулар эмасми?

Эсингизда бўлса, бир муддат "Ешлар" телерадиоканалида ҳиндча "Сенга ошиқман" сериали намойиш этилган эди. Қисқа муддат ичида унга шу даражада фанатлик кучайиб кетиб, ҳатто баъзи юртдошларимиз туғилган чақалоқларига Ишани исмини беришга ҳам улгурди. Аммо ушбу сериал халқимиз маънавиятига зид, дея топилиб, экранларда намойиши тўхтатилди. Қизиқ, сериал телеканалда роса "айланганидан" сўнггина у халқимиз маънавиятига "тўғри келмайдиган бўлиб қолгани" ғалати эмасми? Буни сериални харид қилиш чоғи, ана борингки, дубляж пайти нега пайқамадик? Халқ маънавиятига яхшигина путур етганидан кейингина у бизга тўғри келмаслигини билиб қолдикми?

Эндигина Ишани балосидан қутулган эдик ҳамки, яна Ишани ва Ранвир ҳаётимизга (ҳа, ҳа, ҳаётимизга!) қайта кириб келди. "Ешлар" телерадиоканали тасарруфидаги "Кинотеатр" телеканали масъул раҳбарлари учун халқ маънавиятининг аҳамияти йўқ, шекилли, ушбу сериал намойиши шу каналда қайта қўйилди. Уй бекаларининг бош мавзуси яна Ишанихоннинг оҳ-воҳларидан, ҳаёт тарзлари сериал икир-чикирларини муҳокама қилишдан иборат бўлиб қолди. Хўш, буни қандай тушуниш мумкин? Ахир сериал ғояси халқимиз менталитетига, миллий анъаналар ва оилавий қадриятларга зид бўлиб, унинг мазмуни ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсата бошлагани ҳақида қанча гапирилди-ку...

Мазкур сериал мазмуни Ўзбекистон Республикаси "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонуни 14-моддасининг 3-хатбошиси ("қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик"), "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси, 5-хатбошиси ("ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилади") ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун 16-моддасининг 3-хатбошиси ("...болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи... фильмларни намойиш этиш таъқиқланади") талабларига зид эмасми?

Таассуфки, миллий ўзлик, миллий қадрият, миллий эътиқод ҳар доим мафкуравий ҳимояга муҳтож. Миллий қадрият учун курашяпмизу, аммо телеканалларда ҳамон бизни ўзига тобе қилаётган сериаллар оқими камаймаяпти. Миллий иммунитет ташвиқотига киришилди-ю, аммо "Сенга ошиқман" сериалининг ҳар бир қисмида қайта-қайта такрорланаётган "Синдура" сўзининг асл маъносига эътибор бермаяпмиз. Буддизм, Шива ибодатхонаси-ю, Лажа Хома никоҳ маросимлари жозибаси турли ракурсларда кўрсатилишини оғзимиз ланг очилганча томоша қиляпмиз. Ҳиндларнинг "Қайта тирилиб дунёга келиш" эътиқоди оиламиз онгига сингдирилаётгани, ёш қизларимизнинг "Дугонажон, сен ўтган ҳаётингда ким бўлгансан", дея бир-бирларига берган саволларига эътибор қаратмаяпмиз. Бунинг таг замирида миссионерлик хитоби янграётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

...Яқинда бир қариндошимникига бордим. Тўрт яшар ўғилчаси ойисига қараб: "Ойижон, мен сизни севаман", деди. Она бояқиш хўрсинди: "Барчасига сериаллар айбдор, бир қарич бўйи билан сериал кўради, кўриб турибсиз оқибатини". Бироқ шу онанинг ўзи муккасидан кетиб сериал томоша қилганидан кейин фарзанддан яна нимани кутиш мумкин? Улар ўрнига фарзандларини севимли сериаллари қаҳрамонлари "тарбиялаётганини", афсуски, оналаримиз унутиб қўймоқда. Фарзандларини кўздан қочиришни истамай, кўпинча тутуриқсиз севги можароларидан иборат сериалларни бирга томоша қилишади. Шу тариқа ҳали вояга етмаган боланинг онги одоб-ахлоқ, билимга эмас, севги қиссаларига тўлиб бораверади.

Бу сериал деганлари кечки соат ўнда якунланади. Ҳурматли ота-оналар, шу сериалларни кўраётганингизда атрофингизга бир қаранг (Майли, қизиқ жойини ўтказиб юборишдан қаттиқ ташвишлансангиз, ана ёнингизда турмуш ўртоғингиз телеэкрандан кўз узмай ўтирибди — сўраб оласиз. Албатта, сериал тугаганидан кейин сўранг. Ҳозир сўрасангиз барибир жавоб бермайди. Тағин уришиб берса, кейин хафа бўлиб юрасиз).

Қарадингизми? Кимни кўряпсиз? Фарзандларингизни, а? Шу сериалдан "тарбия" олаётган (ачинарлиси сиздан эмас) болаларингизни. Соат кечки саккизда бошланиб, ўнда якунланадиган (ҳатто кечки ўн бир ҳам деяверинг) сериалларга маҳлиё ота-оналар (ёнингиздан одам қидирманг, албатта, сиз!) фарзандларингиз ҳам сиз билан бирга киприк қоқмай сериал томоша қилмоқда. Ёки бўлмаса, ота-она "ҳамма нарсадан муҳим" сериалини томоша қилаётганида бола ўз телефон ёки планшети орқали дунёнинг ўзи истаган кўчасида "сайр" қилиб юрибди.

Хуллас, ҳамма ўзи билан ўзи овора, ота-она сериал билан андармон, бола қаровсиз, сериалда эса ахлоқсизлик ва маънавиятсизлик тарғиботи...

— Халқ маънавияти ва маданиятига тўғри келмайдиган сериалларнинг ташвишга соладиган биринчи жиҳати ёт маданият тарғиботчиси эканлигидир, — дейди психолог Карима Тоштемирова. — Мисол келтираман. Турк киноижодкорларининг "Даниялик келин" фильмида шундай эпизод бор: кичкинагина қизалоқ овқатдан олдин қўлларини жуфтлаган кўйи насронийча дуо ўқий бошлайди. Ундан нима қилаётганини сўрашса, "Фалончи сериалда шунақа қилишади-ку", дея жавоб беради. Бола кўрган нарсасини таҳлил қилиб ўтирмай, шундайлигича қабул қилади. Сериаллардаги таҳликали вазиятлар, турли можаролар акс этган саҳналар бола онгига салбий таъсир кўрсатади. Онг ости соҳаси шундай мураккаб жараёнки, бола кўрган, эшитганларини анализ-синтез қилади. Бундай стресс ҳолатларни такрор ва такрор кўравериш эса салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Баъзида катталар жиғибийрон бўлиб, "Кимга ўхшагансан?" дея нолиб қолганини кўрамиз. Ишани "холаси" ёки Ранвир "амакиси"га ўхшаб қолмасидан, телевизорни ўчириб, уларга эзгуликни ҳикоя қилувчи китоблар ўқиб берилса, тарбия борасида истагимиз рўёбини кўришимиз аниқ-ку!..

Ҳартугул, бугун Мексика сериалларидан бироз чалғидик. Бир пайтлар Мексика сериаллари телеканалларни шунчалик кучли эгаллаб олгандики, испанларнинг ҳаёт тарзи бизникига айланёзганди. Ҳатто ўша пайтлар ўғриларнинг ҳам куни туққан: "Эсмеральда" сериали шунчалик оммалашгандики, ўғри оларини олиб бўлганидан сўнг имзосиз хатига "Эсмеральда, сенга раҳмат!" тарзида "салом хат"лар тиркаб кетишга ҳам улгурар эди. Бу каби ҳолатлар, албатта, кишини таҳликага солади. Ўзбекмиз, буюк бобокалонларнинг авлодларимиз, тарихимиз буюк дея баралла овозимиз янграётган бир пайтда миллат таназзулига сабаб бўладиган бундай сериалларга муккамиздан кетиш қанчалик тўғри?

— Охирги пайтда сериаллар ҳақида кўп гапирилмоқда, очиғи, ташвишга тушганимизча бор, — дейди Янгийўл туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори Маҳфуза Хожиматова. — Бугун ёш авлодни маънавияти юксак, комил инсонлар қилиб тарбиялашни мақсад қилганмиз. Давлатимиз раҳбари бу йўлда аниқ мақсадли тизимни яратиб берди. Шундай экан, олдимизда буюк мақсадлар қўйилганида бемаъни сериалларни томоша қилишимиз ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Биз маърифатчилар, аввало, ота-оналар билан тўғри ишлай олишимиз, улар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим. Ота-онанинг ўзи маънавиятли бўлса, фарзанди тақдирига бефарқ бўлмайди. Вақтини бекорчи нарсаларга сарф қилмай, фарзанди учун фойдали бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Илмли, теран фикрли, дунёқараши кенг авлодлар етишиб чиқиши барчамизнинг масъуллигимиздаги вазифадир.

Баъзан ўйлаб қоласан киши, нима учун хорижий сериалларни кетма-кет намойиш этиш керак, яна бош-оёқ бемазагарчиликка йўғрилган сериалларни? Унинг ўрнига миллатимиз маънавияти, маърифатига хизмат қиладиган дастур, кўрсатув, миллий, тарихий сериаллар сонини кўпайтириш тўғри бўлади-ку?!

Шу боис Президентимиз ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда кинематография соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, соҳада жиддий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорининг қабул қилиниши миллий кино, миллий, тарихий сериаллар яратиш бўйича дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Миллий ўзлик, миллий қадрият, миллий эътиқод доим мафкуравий ҳимояга муҳтожлигини такрор айтишдан чарчамаймиз. Етук маънавиятли халқимиз билан буюк келажак сари одимлаётган эканмиз, бизга беъмани сериалларнинг ҳамроҳ бўлиши яхшилик аломати эмас. Ваҳоланки, бугун бутун дунё таҳдидлар гирдобида яшамоқда. Бу — ғоялар таҳдиди. Бу — ёшлар қалби ва онги учун қураш. Айнан мана шундай кўринмас таҳдид ва тажовузлардан фарзандларини омон-эсон олиб ўта оладиган миллатгина буюк миллат бўла олади.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Миллий гурур

СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР СОҲИБИ

Мусиқа инсоннинг туйғулари, қалб кечинмаларини юзага чиқарувчи қудратли кучга эга. Унга меҳр қўйган инсоннинг қалби эзгуликка ошно бўлади. Одатда мусиқачилар етти сеҳрли нотани англай оладиган туғма иқтидор эгалари бўлиб дунёга келади.

Ана шундай туғма қобилиятга эга Шерзод Бахтиёров санъат муҳитида улғайди. Отаси Шуҳрат Мирусмонов профессионал созанда — барабан чолғусида ижод қилади. Дастлаб ота изидан бориб барабан чалишни ихтиёр этган Шерзод олти ярим ёшида В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқитувчиларининг имтиҳонлари асосида виолончель йўналишига ўқишга қабул қилинади. Бошида бу ғайриодатий соз, баҳайбат чолғу асбоби Шерзодни бироз саросимага солиб қўяди. Аммо машғулот давомида унга нафақат кўникади, балки меҳри ортиб боради.

Оила ва машғулотдаги қатъий тартиб-қоида, тинимсиз меҳнат Шерзодни аста-секин тоблайди. Сидқидилдан қилинган меҳнат ўз самарасини бермай қолмади. Дастлаб юртимиздаги кўрик-танловлар, сўнгра чет эл сафарлари уни виолончель чолғусига бўлган меҳрини янада оширди, сабр билан ўз устида ишлашга ўргатди.

— Шерзод лицейимизга аслида барабан чалишни ўрганиш ниятида келганди, — дейди устози Лариса Русина. — Аммо унинг қўл мушаклари яхши ривожлангани, бармоқлари ҳаракатчанлигини кўриб, виолончель гуруҳига қабул қилдик. Тўғри, бошида қийналди, лекин жуда иродали ва меҳнатсевар экани унга ёрдам берди. Тинимсиз машғулот ва меҳнатдан қочмади. Виолончелни бутун борлиғи билан чала бошлади...

Бугун Шерзод нафақат устозлари, балки моҳир созанда, бастакор ва дирижёрларнинг ҳам назарига тушди. Халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этаётир. Франция, Сербия ва бошқа бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган халқаро танловларда якка ҳамда учлик (трио) шаклида мухлису мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди.

У илк халқаро танловда ғолиб бўлганда 3-синфда таҳсил оларди. Сербияда ўтказилган халқаро танловда Шерзод ва унинг жамоаси учлик (трио) шаклида иштирок этиб, 96 давлатдан келган иштирокчилар ичида энг кучлиси дея тан олинди. Қарсак ва олқишлар, Ватанга ёруғ юз билан қайтиш бахти нақадар мароқли эканлигини мурғак қалби билан тушуниб етган қаҳрамонимиз мусиқанинг буткул "асири"га айланди.

— Ноталар билан тиллашиш илоҳий жараён, ҳаяжонли ва сеҳрли ҳодиса, — дейди Шерзод Бахтиёров. — Виолончель чалиш, у билан ҳаёлот оламига сайр қилиш менга бир олам завқ-шавқ бағишлайди. Бошда шундай улкан асбобни чалиш қўлимдан келармикан, деган ҳадик бўлган. Лекин устозларим кўмаги, қўллаб-қувватлашлари билан унга ипсиз боғланиб қолдим. Мусиқа орқали дунё кўряпман, бошқа мамлакатлардаги тенгқурларим билан дўстлашяпман. Унинг сарҳад билмаслиги, миллат ва дин ажратмай фақат эзгулик учун хизмат қилишига ҳар галги чет эл танловларида ишонч ҳосил қиламан.

Шерзод Бахтиёров виолончелни шунчаки чалмайди. Гарчи ёш бўлса-да, дунё мусиқа дарғалари тан олган устозлар назарига тушди. Москва шаҳрида ўтказилган мастер-класс дарсларига айнан Шерзоднинг таклиф этилиши, таниқли композитор Юрий Башметнинг алоҳида эътирофи ҳам унинг мусиқа санъатида ўз ўрнига эга ёшлардан эканидан далолатдир.

Шерзод хориж танловларига отланар экан, ҳар safар ўз олдига улкан мақсадлар қўяди. Унинг қатъий талаб асосида ҳаракат қилиши, ёш бўлишига қарамай кучли сабр ва ирода билан интилиши ҳеч қачон бесамар кетмайди. Аввал бошда қўйи ўринларни банд қилган бу ёш созанда бугунга келиб, танловларнинг энг олд қаторларида турибди.

2017 йил Шерзоднинг ҳаётида қувончли кунларга бой бўлди: Францияда ўтказилган "Concours International de Musique et d'Art Dramatique Leopold Bellan" халқаро танловида дунёнинг 60 дан зиёд давлатидан ташриф буюрган қатнашчилар ичида виолончель йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди. Бу танловда илк бор Ўзбекистон номидан иштирок этиш ва ғолиб бўлиш Шерзод ва унинг ота-онаси, устозларига бир олам қувонч бағишлади.

— Бирор санъат турини мукаммал эгаллаш игна билан қудуқ қазишдек гап, — дейди отаси Шуҳрат Мирусмонов. — Аммо санъат, мусиқа кўнгил денгизидаги сукунат оғушидан туйғуларнинг пўртана бўлиб юзага чиқишидир. Ўзим созанда сифатида Шерзоднинг қалб туғёнларини жуда яхши тушунаман. Фарзандим ёшлигидан мусиқага ўзгача меҳр қўйди. Жажжи бармоқлари билан мусиқа асбобларига талпиниши аввал бошданоқ унинг мусиқачи бўлишидан дарак берган. Бугунга келиб у гарчи кичик бўлса-да дунё аҳлини ўз санъати, маҳорати билан лол қолдирмоқда. Унинг ютуқларини кўриб қалбимда ифтихор туяман.

Шерзод Бахтиёров нафақат созанда, балки спортчи сифатида ҳам ўзини кўрсатиб келмоқда. Каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби, Ўзбекистон чемпионатларидан ташқари Қозоғистон, Туркманистон, Япония, Бельгия каби давлатларда ўтказилган халқаро турнирларда ҳам зафар қўлган.

Ҳам мусиқа, ҳам спорт билан баравар шуғулланиш, жисмоний ва руҳий кучни тўғри йўналтира олишнинг ўзи бир маҳорат. Шерзодни кузатар эканмиз, Унинг бундай юксак марраларни забт этаётгани кишини ҳам ҳайратлантиради, ҳам ҳавасини келтиради. Шу кунга қадар 15 марта халқаро танловлар лауреати бўлиш 14 ёшли ўсмир учун, албатта, катта муваффақият ва шараф.

Аслида иқтидор ва муваффақият ёш танламайди, иқтидорсиз инсон бўлмайди. Фақат тўқсон тўққиз фоизи меҳнатдан иборат бўлган иқтидор билангина кўзланган марраларга эришилади.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Матбуот анжумани

САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Янги йил бошида ҳар бир соҳада ўтган давр мобайнида қилинган ишлар сарҳисоб қилинади: йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланиб, истиқболдаги мақсад-вазифалар белгилаб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташкил этган матбуот анжумани вазирликнинг 2017 йилги фаолияти якунлари ва 2018 йилга мўлжалланган устувор режаларига бағишланди. Унда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилган ишлар йўналишлар бўйича таҳлил қилиниб, келгусидаги режалар хусусида маълумот берилди.

— Ўтган йилда айнан маданият соҳасига тегишли қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, қарор ва фармонлар имзоланди, — деди Ўзбекистон маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев. — Уларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида ижодий ташкилотларнинг "Дўстлари клублари" ташкил этилди, қатор театрларнинг моддий-техник базаси яхшиланди, айримларининг бинолари янгича кўриниш касб этди. Музейлар соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ҳудудлардаги 354 музей ва кўргазма муассасалари хатловдан ўтказилди. Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли саналарга бағишланган концерт-томоша тадбирлари ўтказилди. 2018 йилда ҳам ўз олдимизга бугунги кунда жадал олиб борилаётган ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, ўтган давр мобайнида эътибордан четда қолган жиҳатларни ҳам қамраб олиш каби вазифаларни қўйганмиз.

"Маданият ва маърифат" телеканалида "Маданият алифбоси" номли кўрсатув ташкил этилди. Кўрсатув бугуни кунда омма ўртасида кузатилаётган айрим маданиятсизлик ҳолатлари таҳлили ҳамда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида маданият, бадиий-эстетик дид каби сифатларни шакллантиришга бағишланган.

Миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғулари шаклланишида маданий мерос объектлари муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда вазирлик тизимида 7 минг 476 осори-атиқа мавжуд. Ўтган муддат давомида уларнинг аксарияти қайта таъмирланди, атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Анжуманда тарихий объектларни таъмирлашда профессионал реставраторларнинг етишмаслиги айтиб ўтилди. Шу боис ёш уста-реставраторларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида "устоз-шогирд" анъаналарини йўлга қўйиш, хориж тажрибасини ўрганиш учун уларни чет эл сафарларига юбориш кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

КОИНОТДАГИ ЧИҚИНДИ УЮМИ

ФАЗО ВА ЕР САЙЁРАСИГА ХАВФ СОЛМОҚДА

Инсоният азалдан коинотга чиқиш ё юлдузларга етиб боришни орзу қилган. Кўплаб афсона ва асотирлар бунга далил. Бироқ бу орзулар XX асрнинг иккинчи ярмига келиб рўёбга чиқди: 1957 йил 4 октябрда Ер орбитасига илк сунъий йўлдош учирилгач, инсоният коинотни забт этишга киришди. 1961 йилнинг 12 апрелида Юрий Гагарин "Восток-1" фазовий кемасида Ер орбитаси бўйлаб парвоз қилди. Бу коинотни ўзлаштириш тарихида чинакам воқеа бўлди. Аввалига коинотга сунъий йўлдош ва фазовий кемалар чекланган миқдорда учирилган бўлса, бугун турли мақсадлар учун ҳар йили юзлаб ана шундай аппаратлар парвоз қилмоқда.

2017 йил 11 ноябрда Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида "Коинот — ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи" номли халқаро форум ўтказилди. Унда иштирок этган давлатларнинг миллий коинот агентликлари вакиллари, олимлар, дипломатлар ҳамда тадбиркорлар фазовий технологияларнинг умумбашарият ривожи ва тараққиётидаги ўрни масаласини кенг муҳокама қилишди.

— Ҳозирги вақтда иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг қисқариши ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга тез-тез чалинмоқда, — деди халқаро форумда БМТнинг коинотни тинчлик йўлида тадқиқ этиш бўйича бошқармаси раҳбари Симонетта ди Пиппо. — Сайёрамиз билан юз бераётган жараёнларни тушуниш, уларга нисбатан зарурий чора-тадбирлар кўриш учун кузатув олиб бориш, маълумот тўплаш имконияти бўлиши керак. Коинот инфратузилмаси бундай мақсадларга эришишда муҳим восита ҳисобланади. Бунда халқаро ҳамкорлик, узоқ муддатга мўлжалланган режа, коинот технологияларини чуқур татбиқ этиш талаб этилади.

Албатта, бугун табиий офатларни олдиндан башорат қилиш, сайёрамиз иқлими ва об-ҳавосини назорат қилиш, сувдан мақсадли фойдаланиш, теле ва радиотўлқинларни тарқатиш, маданий меросни муҳофаза қилиш каби вазифаларни амалга оширишда коинот технологияларининг ўрни беқиёс. Бироқ ҳар бир учирилаётган фазовий аппарат ўзидан чиқинди қолдираётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Аниқроқ айтсак, бир пайтлар коинотга учирилган, вақт ўтиши билан фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган ракета ташувчи тизимлар, сунъий йўлдошлар, космик аппаратлар бир нечта қисмларга бўлиниб, Ер орбитаси атрофида ўзига хос "музей" ҳосил қилган. Шуни айтиш жоиз, минг километр баландликдаги яроқсиз сунъий йўлдош юз йиллаб вақт давомида йўқолмайди. Яъни улар Ер орбитасининг қанчалик юқори қисмида жойлашган бўлса, уларнинг "умри" ҳам шу даражада узаяди. Бироқ вақт ўтиши билан парчаланиб, сайёрамиз атрофида учиб юрувчи чиқинди уюмини ҳосил қилади.

Чиқинди уюмининг кенгайишига истеъмолдан чиқарилган фазовий аппаратларнинг портлаши ҳам сабаб бўлади. Гап шундаки, яроқсиз ҳолга келиб қолган бундай аппаратларнинг бакида оз миқдорда бўлса-да ёнилғи қолади. Вақт ўтгани сайин уларнинг ёнилғи баки ташқи муҳит таъсирида емирилади ёки бошқа чиқиндилар билан тўқнашиши натижасида портлайди. Оқибатда бир чиқинди бир нечта бўлакка сочилиб кетади. Бундай чиқинди "булут"ининг кенгайишига фазогирлар ҳам "ҳисса қўшмоқда". Мисол учун, улар очиқ коинотга чиққанда баъзан қўлқоп, очгич, кинокамера ёки бошқа буюмларини йўқотиб қўядилар.

Чиқиндиларнинг асосий қисми тахминан 2 минг километр баландликда — Халқаро коинот станцияси фаолият олиб борадиган, LEO номли қуйи Ер орбитаси ҳамда қарийб 36 минг километр баландликдаги геостационар Ер орбитасида муаллақ ҳолатда учиб юради. Бугун бундай коинот чиқиндилари истеъмолдаги фазовий аппаратлар, фазогирлар фаолиятига халал бермоқда.

Аслида коинот чиқиндиси билан боғлиқ муаммо ўтган асрнинг эллигинчи йилларида — Ернинг илк сунъий йўлдошлари учирилиши билан юзага кела бошлаган. Фақат 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос-Ғолийнинг "Коинотдаги фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири" номли маърузасидан сўнг ушбу масалага расман глобал тус берилиб, коинот чиқиндиси сайёрамиз экотизимига салбий таъсир кўрсатиши, унинг олдини олиш зарурлиги қайд этилган эди.

АҚШ аэрокосмик агентлиги (НАСА) маълумотларига қараганда, 23 мингдан зиёд космик аппаратнинг ҳажми камида 10 сантиметрни ташкил этадиган қисмлари Ер орбитасида муаллақ учиб юрибди. Қизиғи, ҳатто миллиметр келадиган чиқинди зарраси ҳам космик объектларга зарар етказиш учун кифоя қилади.

"Инсоният томонидан фазога чиқарилган ва айни пайтга келиб фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган барча нарсалар коинот чиқиндиси саналади, — дейди Халқаро коинот ҳуқуқи институти вакили, юридик фанлари номзоди Андрей Терехов. — Айрим экспертларнинг фикрига қараганда, ҳозирги пайтда фазода умумий оғирлиги қарийб беш минг тонна келадиган сунъий жисмлар мавжуд. Қизиғи шундаки, уларнинг қарийб 5 фоизи чиқиндидан иборат. Сайёрамиз газ қобиғи — атмосфера ва ҳаво бўшлиғидан иборат бўлгани боис улар Ер юзаси ва одамларни бундай чиқиндилардан ҳимоялайди. Орбитадан тушган, яроқсиз бўлиб қолган аксарият коинот объектлари, уларнинг қисмлари атмосферанинг қуюқ қатламига ўтиб қолиши билан ёниб кетади. Натижада улар ер юзасига қадар етиб бора олмайди. Коинотнинг фазовий станциялар фаолият кўрсатадиган қисмидаги истеъмолдан чиққан йирик объектлар эса ерга кўпинча аввалги ҳолатида эмас, балки бўлакларга ажралиб қайтади. Ер шарининг асосий қисмини океанлар эгаллагани боис улар аксарият ҳолларда сувга тушади".

Фазода объектлар жуда катта тезлик билан ҳаракатланади. Уларнинг минимал тезлиги сониясига 8 километрни ташкил этади. Коинот объектларининг бундай тезликка эришиши уларнинг Ернинг тортишиш кучига қарши муаллақ туриш ва ерга тушиб кетмаслигини таъминлайди. Бундай тезликда ҳаракатланадиган чиқиндилар муомаладаги объектлар ёки ичида фазогири бўлган космик аппарат билан тўқнашиб кетса, жиддий ҳалокатни келтириб чиқариши ҳам ҳеч гап эмас. Мисол учун, 1983 йилда 0,2 миллиметр келадиган чиқинди зарраси АҚШ фазо кемасининг иллюминаторида (кема, самолётда маҳкам ёпиладиган қалин ойнали тўғарак туйнук, дарча) жиддий ёриқ қолдирган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, шу пайтгача фазо кемаси иллюминатори ана шундай жисмлар билан қарийб 170 бор тўқнашган. Оқибатда 70 бор фазо кемаларининг иллюминаторини алмаштиришга тўғри келган. 1996 йилда 660 километр баландликда Франциянинг сунъий йўлдоши мазкур мамлакатнинг "Ариан" деб номланган ракетасининг бир бўлаги билан тўқнашиб кетди. 2006 йилнинг март ойида "Экспресс-АМ11" сунъий йўлдошининг ҳаракатланиш йўналишининг йўқолишига айнан коинот чиқиндиси билан тўқнашув сабаб бўлган.

Европа космик агентлиги "WT1190F" деган ном билан рўйхатга олган коинот чиқиндиси — ракетанинг бир қисми 2015 йилнинг 13 ноябрида Шри-Ланка оролига яқин жойда Ҳинд океанига етиб келиши билан ёниб кетди. Мазкур чиқиндини олимлар 2013 йилда аниқлаган, бироқ у кейин йўқолиб қолган эди. Шу боис фазогирлар уни Ер юзасига етиб келмайди, деб ҳисоблашган эди. Кейинчалик европалик олимлар астероидларни аниқлашга қаратилган "Catalina Sky Survey" лойиҳаси доирасида Ер орбитасини тадқиқ этаётиб, тасодифан Ер томон ҳаракатланиб келаётган астероидга ўхшамаган ғалати жисмга дуч келишади. Шри-Ланканинг Коломбо шаҳридаги расадхонадан туриб сунъий учар жисмни кузатган астроном-олим Жонатан Макдауэллнинг айтишича, у соатига 39 километр тезлик билан ҳаракатланган. Сунъий учар жисм 1998 йилда Ойга учирилган, АҚШга тегишли "Lunar Prospector" зонди ёки ўша йили Марсни тадқиқ этиш учун учирилган "Низоми" деб номланган фазовий аппаратининг бир қисми бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

"Ер орбитасининг Халқаро коинот станцияси жойлашган қисмида ҳам чиқинди кўп, — дейди Россия Фанлар академияси Астрономия институти директори Борис Шустов. — Улар билан тўқнашиб кетишнинг олдини олиш учун бир йилда ўнлаб маротаба чиқиндиларга чап бериб учишга тўғри келмоқда. Ундан юқорироқда вазият янада жиддий. Бугун асосий эътибор геостационар орбитадаги чиқиндиларга қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Сабаби орбитанинг мана шу қисмида жойлаштирилган сунъий йўлдошлар алоқа ва телетўлқинларни тарқатади, турли мақсадлар учун сайёрамизнинг қарийб ярим ҳудудида кузатув олиб бора олади. Бундай ишларни амалга ошириш учун орбитанинг мазкур қисми қулай. Шунинг учун бу ҳудудда мингдан зиёд аппаратлар жойлаштирилган. Уларнинг умумий қиймати юз миллиардлаб долларни ташкил этади. Бу катта миқдордаги маблағ бўлиб, хусусий компания, ҳатто, давлатлар ҳам чиқиндилар сабаб зарар кўришни хоҳламайди".

Бугун коинотда тўпланган чиқиндиларнинг асосий қисми АҚШ, Россия ва Хитой ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқланишича, уларнинг катта миқдори учун АҚШ жавобгардир: уларнинг ҳисобида 3 минг 999 йирик чиқинди объекти бор. Россия АҚШдан бу борада 38 объектга "ортда қолмоқда". Учинчи ўринни Хитой эгалламоқда, унинг ҳисобида 3 минг 475 коинот чиқиндиси мавжуд. Экспертлар яқин коинотнинг ифлосланиши "Кесслер синдроми" — орбитада чиқинди кўплиги туфайли сунъий йўлдошлар ва бошқа коинот қурилмаларини жойлаштириш имкони бўлмаслигига олиб келади, деб ҳисобламоқда.

— Фазовий техника қисмлари — космик чиқиндилар мустақил ҳаракатланувчи ва бортида фазогири бор аппаратлар учун ҳам хавф солади, — дейди "Роскосмос" давлат корпорацияси ходими Михаил Хайлов. — Коинотни тадқиқ этиш бўйича етакчи давлатлар ана шундай чиқиндиларнинг рўйхатини юритишлари, улар билан эҳтимолий тўқнашувларни олдиндан башорат қилиши талаб этилади. Ҳозирда "коинотни тозаловчи" ва чиқиндиларни Ерга суриб келувчи аппарат яратиш устида изланиш олиб борилмоқда.

Шу кунга қадар дунё олимлари коинот чиқиндиларини бартараф этиш бўйича бир нечта лойиҳани илгари сурди. Улардан бири — кучли лазер нури воситасида коинот чиқиндиларини эритиб юборадиган сунъий йўлдошларни яратиш. Бу орқали чиқиндиларнинг Ер атмосферасига ўтиб, ёниб кетишининг олдини олиш кўзда тутилган. Яна бир лойиҳа чиқиндиларни тўплаб, уларни қайта ишлашга асосланган технология яратишдир. Бундай лойиҳалар жуда катта маблағ талаб этгани боис ҳозирча амалиётга жорий этилгани йўқ.

Коинотда юзага келаётган бу каби муаммолар жаҳон ҳамжамияти, айниқса, фазони ўрганиш бўйича етакчи давлатлардан ягона мақсад сари бирлашишни, бундай чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича тез фурсатда пухта ўйланган лойиҳа ва технологияларни яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Зеро, бу она сайёрамиз келажак тақдири билан боғлиқ кечиктириб бўлмас долзарб масаладир.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Рангин дунё

ДУНАЙ СОҲИЛИДАГИ "МАРВАРИД"

ЁХУД ПАРЛАМЕНТ БИНОСИ ТАРИХИДАН ЛАВҲА

Будапешт нафақат Венгрия, балки Европадаги энг қадимий ва мафтункор шаҳарлардан саналади. У замонавий иншоотлари ва тарихий обидалари билан Лондон, Рим, Париж, Вена шаҳарларидан сира қолишмайди. Пойтахтни дунёга машҳур қилган иншоот, шубҳасиз, мамлакат парламенти биносидир. Уни том маънода шаҳар рамзи, дейиш мумкин.

Бинонинг қурилиш тарихи ўзига хос. 1873 йилда Буда ҳамда Пешт шаҳарларининг бирлашишидан сўнг мазкур иншоотни қуришга эҳтиёж туғилади. Мамлакат парламенти биносини қуриш учун танлов эълон қилиниб, унда меъмор Имре Штейндль лойиҳаси ғолиб, деб топилади. Бинони қуриш учун Дунай дарёсининг шарқий қирғоғи, яъни шаҳардаги машҳур Сечени ҳамда Маргит кўприклари оралиғидаги жой муносиб деб топилади. Қурилиш ишлари 1885-1904 йилларда олиб борилди. Аввалига иншоотни 1896 йилда Венгрия давлатчилигига минг йил тўлиши муносабати билан қуриб битказиш мўлжалланган эди. Бироқ ўша йили фақат бинонинг марказий гумбазли залини қуришга эришилади, холос. Устига-устак, меъмор иншоот қуриб битказилишидан икки йил аввал ҳаётдан кўз юмади.

Парламент биноси неоготик услубда бунёд этилган бўлиб, ўзининг ҳашамдорлиги, кўпсонли миноралари, йирик гумбази билан ажралиб туради. Парламент биноси қаршисида XVIII асрда мамлакатда миллий озодлик ҳаракатларига бошчилик қилган ҳукмдор Ракоци Ференцу II нинг бронзадан ясалган



от устидаги ҳайкали қўйилган бўлиб, уни ҳайкалтарош Янош Пастор яратган ва у 1937 йилда ўрнатилган.

Парламент биноси мамлакатнинг энг йирик иншоотларидан бири саналади. Унинг умумий узунлиги 265, эни 118, баландлиги 96 метрни ташкил этади. Умумий майдони 18 минг квадрат метр бўлган иншоотни қуриш учун қарийб 40 миллион дона ғишт, 40 килограмм олтин сарфланди. Бино 691 хона, 29 зина ҳамда 10 кичик ҳовлидан иборат. Бинонинг олд қисми деворларида мамлакат ҳукмдорлари ва саркардаларнинг ҳайкаллари ўрнатилган.

Иншоот ичи ўрта аср руҳиятини акс эттиради. Ички заллар деворларига олтин суви юритилган, мармар билан қопланган. Гумбаз жойлашган марказий зални иншоотнинг "юраги" дейиш мумкин. Гумбазнинг баландлиги 27, диаметри 20 метрни ташкил этади. Зал бир вақтнинг ўзида музей вазифасини ҳам ўтайди. Унда мамлакат ва парламент тарихига доир ноёб экспонатлар сақланади. Бинонинг бу қисмида турли даврларда яшаб ўтган мамлакат ҳукмдорларининг ҳайкаллари қўйилган. Шунингдек, 2000 йилнинг январидан бошлаб мазкур залда Венгрия давлатчилигининг 1100 йиллиги муносабати билан Венгрия қироллигининг илк ҳукмдори — Муқаддас Иштван I нинг (салтанатни 1001-1038 йилларда бошқарган)тожи, салтанат ҳассаси, ҳоч шакли солинган олтин шар (монарх ҳокимиятининг рамзий белгиси), шамшири ҳам сақланмоқда. Улар парламент биносидаги энг нодир экспонатлар ҳисобланади.

Марказий залдан 16 устун ўрин олган. Зал шифтларини фрескалар, машҳур рассомлар яратган нодир асарлар безаб турибди. Гумбазнинг икки томонида жойлашган заллар парламент мажлисларини ўтказишга мўлжалланган. Мамлакат бир палатали парламент тизимига ўтганидан сўнг иккинчи залда асосан конференциялар ўтказилмоқда.

Парламент биносига сайёҳат саккиз тилда ташкил этилган. Бинога кириш пуллик: катталар учун 4 минг форинт (миллий пул бирлиги) этиб белгиланган. Олти ёшгача бўлган болалар учун кириш бепул. 24 ёшгача бўлган талабалар ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари фуқаролари учун чегирма бор: улар чиптани икки минг форинтга харид қилишлари мумкин.

Ш. ҒАФФОРОВ

ҒИЛДИРАКНИ ЙИҒИШ МУМКИН



Немис дизайнери Андреа Мочеллин велосипед учун йиғиладиган ғилдирак ихтиро қилди, деб ёзмоқда "newatlas.com".

Дизайнернинг "ижод маҳсули" "Revolve" деб номланди. Унинг диаметри 66 сантиметр бўлиб, 6 бўғиндан иборат. Ғилдирак осонгина эни 22 сантиметрлик ихчам конструкцияга айланади: ёйилган кўринишидагидан 60 фоиз кам жой эгаллайди.

Ихтирочи ўз ғоясини рўёбга чиқариш учун юзлаб ана шундай намунадаги ғилдиракларни ясади ва бунга уч йил вақт сарфлади. Унинг таъкидлашича, келгусида уни ясашда фойдаланилган қоидалар асосида ногиронлар аравачаси ҳамда бошқа транспорт воситалари учун ҳам шунга ўхшаш ғилдирак ишлаб чиқариш мумкин.

РОБОТ-"ТУРНА"



Сингапурда бешта маҳаллий сув омборида сувнинг сифатини назорат қилиш учун робот-"турна"лардан фойдаланилади. Бу ҳақда "Channel News Asia" маҳаллий телеканали хабар тарқатган.

Турна шаклида ясалган "SWAN" (Smart Water Assessment Network) роботлари Сингапурнинг бир нечта институти мутахассислари ҳамда Сув захиралари агентлиги иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, 2016 йилда синовдан ўтказилган.

Роботлар икки моторча ва сувнинг ишқорийлиги, тиниқлиги, кислород ва хлорофилл миқдори ҳақида маълумотлар олишга мўлжалланган ҳисоблагичлар билан жиҳозланган.

Айни вақтгача сифатни назорат қилиш қайиқларда сув намуналарини олиш билан амалга оширилаётган эди. Бу одамлардан меҳнат ва ортиқча вақтни талаб этади. Янги ихтиро эса фавқулодда ҳодиса юз берганда тезкорлик билан чора кўриш, маълумотларни тезкор жўнатиш имкониятини беради.

Робот-"турна" оператор кузатуви остида мустақил равишда ҳаракатланади.

УЧАР ҚУРИЛМА

Франциянинг "Zapata" компанияси "Zapata Ezfly" деб номланган учар қурилмани синовлардан ўтказди. Синов видеолавҳаси YouTube тармоғида эълон қилинди дейилади "hitech.newsru.com" сайтида.

Тажрибалар АҚШнинг Техас штатидаги кўл устида ўтказилди. Кадрларда синов иштирокчилари шлемлар ва махсус костюмларни кийиб олган ҳолда қурилмада навбатма-навбат учаётганини кўриш мумкин.

"Zapata Ezfly" бир нечта реактив двигателли платформа ҳамда тутқич билан жиҳозланган, уларнинг ёрдамида қурилма бошқарилади. Аппарат 3 километрлик баландликка кўтарилиши ҳамда тезликни соатига 130 километргача етказиши мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Эълон!

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 270-умумтаълим мактаби томонидан 2003 йилда Валиев Акмал Махмудович номига берилган U № 0419427 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Алишер Навоий номидагиги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шухрат Сирожиддиновага онаси **Мукаррам** аянинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши партиядан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига сайланган депутат Зокиржон Раҳмоновга онаси **Ҳайитбуви ЭШМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MILLIY TIKLANISH
4 (488) 2018 йил 24 январь, чоршанба

Хиёбон

“ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАШНАЛИК ОДАМЛАРНИ КИТОБГА ҚАЙТАРИШИ МУМКИН”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ, АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Бахтиёр ака, мамлакатимизда 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Зеро, бугунги интеллектуал билимлар ва инновациялар даврида илм-фан тараққиётисиз бирор соҳада ўзгариш ва янгиланиш қилиш мушкул. Суҳбатимиз бевосита илм-фан тараққиёти хусусида борар экан, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувига тўхталмаслик мумкин эмас. Қолаверса, ўша тарихий учрашувда сиз ҳам бевосита иштирок этган эдингиз...

— Ватанимиз тарихида шиддат, ирода ва шижоат йили ўлароқ катта из қолдирган 2017 йилни кузата туриб, “улкан шахслар тарихнинг локомотивларидир”, деган фикр нечоғлик тўғри эканига яна бир бор гувоҳ бўлиб турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мунтазамлик ва тизимлиликдан иборат қатъияти қисқа муддат ичида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Эътибор беринг: юрт раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки қадамлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзолари, таниқли олимлар билан учрашувдан, уларнинг дардлари, таклифларини тинглаш, муҳокама қилишдан, бир сўз билан айтганда, фанга, илмга, соҳа вакилларига эътибор қаратишдан бошланди.

2016 йил 30 декабрдаги учрашув чиндан ҳам тарихий воқеа (бу, айниқса, илм аҳлига ва инчунун, академикларга ғамхўрлик ва меҳр-оқибат кўрсатишнинг халқаро миқёсдаги намунаси) бўлди. Фанлар академияси аъзоларининг қалам ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида оширилгани, бу молиявий ёрдам солиқлардан озод қилингани, академиянинг ҳар бир ҳақиқий аъзоси учун йилда бир марта кузатувчиси билан Кисловодск, Сочи ёхуд Ватанимиздаги сиҳатгоҳлардан бирига давлат ҳисобидан дам олиш ва соғлиғини яхшилаш имконияти яратилгани бизни яна қайноқ ҳаётга қайтарди, дейиш мумкин.

Бу учрашувда илм-фанимизнинг бугунги ва истиқболли йўналишларининг етакчи параметрлари белгилаб олинди. Уларни амалга ошириш юзасидан кўп ўтмай қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг амалиётга жорий қилиниши учун миллионлаб, миллиардлаб молиявий харажатлар белгиланди. Илм-фан, олий таълим йўналишлари бўйича деяли барча ташкилотларда ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Фанлар академиясидан бошқа ташкилотлар ва олий ўқув юртлари қарамоғига ўтказилган 15га яқин илмий тадқиқот институтлари академия тизимига қайтарилди, заруратга қараб, янги йўналишлар билан мустаҳкамланди. Республика фани марказининг аксар етакчи тадқиқот муассасаларини молиялаштириш грант тизимидан давлат бюджетига ўтказилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз илм-фани ҳаётидаги муҳим янгиликлар ва ҳодиса сифатида баҳоланишга арзигулик ўзгаришлар бўлиб, бугун-эрта Ватанимизнинг умумий равнақида, барча соҳа тараққиётига жадал суръатлар бериши, юртимиз нуфузини халқаро миқёсга кўтариши шубҳасиз.

— Президентимиз 2017 йилнинг 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан ҳам учрашди. Унда бугунги адабиётимиз ва санъатимиз хусусида билдирилган фикрлар, белгиланган вазифалар адабиётшунос олим сифатида сизда қандай таассурот қолдирди?

— Аввало, ғурурландим, қалбим ниҳоятда тўлқинланди ва бу учрашув олижаноб орзулар рўёбига мустаҳкам замин яратди. Давлатимиз раҳбари учрашувда ижодкорлар олдида турган вазифаларни аниқ, пухта долзарб моҳиятини ифодалаб, кўрсатиб беришдан ташқари, адабиёт ва санъатнинг нозиктаъб ихлосманди, шеърият, мусиқа, кино ва саҳна маданияти, бу соҳалардаги ижодкорлар ички дунёси, орзу-армонларидан теран хабардор, худди уларнинг ўзларидек ҳаяжонлана оладиган шахс сифатида намоён бўлди. Соҳанинг ҳозирги аҳволига нисбатан жиддий танқидий фикрларни айтганида, учрашувдаги бирор иштирокчининг тундлашиб ёки шумшайганини сезмадим. Чунки Президентимиз айтган муаммолар барчамизнинг неча йиллик дарду армонларимиз эди-да. Бунда бадиий адабиёт ривожида қатор муҳим ғоялар илгари сурилдики, улар бу соҳа кишиларини ўз юмушларига масъулият билан қарашга даъват этади.

“Ижод бўшлиғи — энг ёмон бўшлиқ. Бу бинони мазмун-маъно билан тўлдириш керак”, деди Президентимиз Ёзувчилар уюшмаси учун қурилган янги бино билан танишув чоғида. Бу фикрнинг ҳам тўғри, ҳам кўчма маъноси замирида барча ижодкорлар учун жиддий тавсиялар бор, албатта.

Президент таклифи билан Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб-интернатлар очилгани ёш адабиёт ихлосмандлари учун катта имконият бўлса, ушбу адибларимизнинг муҳташам ҳайкаллари қад кўтараётганини ижодкорга бўлган ғоят таҳсинли эътибор, деб биламан. Зомин семинари тикланди, 2017 йилги анжуманда қатнашган барча навқирон ёзувчи-шоирларнинг Президент совғаси — планшет олгандаги қувончини кўрсангиз эди... Ёш қаламкашлар асарлари давлат ҳисобидан чоп этилаётгани, уларга имтиёзли, арзонлаштирилган ўйлар совға қилинаётгани, шоир-ёзувчилар учун Зомин ва Паркентда қурилиши режалаштирилаётган оромгоҳлар ва ижод уйлари, нафақани тўлиқ олиш, қалам ҳақи хусусидаги айрим чекланишларнинг бартараф этилиши хусусидаги янгиликлар, менимча, ижод аҳлига кўрсатилаётган эътиборнинг юксак намунасидир.

Президентимизнинг “Китобхонлик маданияти, адабиёт, санъатда биз ҳеч қачон бизнесга йўл қўймаймиз, бу борадаги асосий мақсадимиз халқимиз маънавиятини юксалтиришдан иборат”, деган ғояси нафақат амалий, балки методологик ва назарий жиҳатдан ҳам халқаро аҳамият касб эта олади. Буларнинг барчаси ёзувчиларимизни яхши асарлар яратиш, ватанпарварлик ва миллатпарварлик билан ёзишга ундайди, даъват этади.

“Ҳавас қилса арзигулик буюк адабиётимиз ва санъатимиз бўлади”, деди Президентимиз зиёлилар билан учрашувда. Юқорида эътироф этилган қатор амалий ишлар адабиётимиз ана шундай бўлиши учун зарур шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинаётганининг ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбарининг ўша учрашувдаги мана бу фикрини эсланг: “Фарзандларимизни кинога, театрга олиб бормаслик, уларнинг қалбида санъатга муҳаббат уйғотмаслик — болаларимизга хиёнат”. Шу сўзлардан ҳам кейин ота-она фарзандларини театрга олиб бормаса, ўз виждонига тик қарай оладими?!

Президентимизнинг ижтимоий буюртма ҳақидаги фикрлари ҳам замонавий ёндашув. Бу фикр шўро даврида айтилган ижтимоий буюртма ҳақидаги мафкуравий ғоялардан кескин фарқ қилади. Унинг замирида Ватан ва миллатга фидойилик ғоялари, тараққиётимиз ва муаммоларимизни фаол бадиий ёритиш ва эл-юртимизни давр ва халқ талаб қилаётган, уларнинг кўнглини тўлдирувчи ва юксалтирувчи асарларга эҳтиёжини ифодалаш ётади.

— Ҳар бир инсоннинг болалиги унга бир умр йўлдош бўлади: хотирасидан ўчмайди. Сиз ҳам болалик йилларингизни, илм-фан йўлида чеккан заҳматларингизни бот-бот эслаб турсангиз керак...

— Болалигим Тошкентда, ҳозирги гўзал ва маҳобатли Оқ масжид рўпарасидаги маҳаллада ўтган. Эътибор беринг: урушдан кейинги йиллар. Ҳали мактабга бормаган кезларим... Эшигимизнинг шундоққина ёнидаги тошкўчадан тонгсаҳар ва кечга яқин оёқ кийим ўрнини босувчи тахтадан ясалган пойабзалларини тарошлатиб анҳор ёқасидаги ғишт хумдон томон аристонлар (улар — япон асирлари) ўтарди. Ўша йиллари ўзимизнинг ҳам рўзғоримиз бекаму кўст бўлмаса-да, онам раҳматли менга бир бурда нон бериб, “аристонларга олиб бориб бер” дер, мен эса пилдираб бориб, уларнинг қай бирининг қўлига қистириб, қўрққанимча орқага қочганларим ҳеч ёдимдан чиқмайди...

Бир кун тонгда кўчага чиксам, ўртоқларимдан бирортаси йўқ. Эртаси ҳам, ундан кейинги кун ҳам шундай бўлди. “Ўйнайдиган ўртоқ йўқ”, деб онамга хархаша қилдим. Билсам — улар мактабга кетишган экан (1 ёки 2 сентябрь бўлса керак-да). Мен ҳам мактабга бораман, деб туриб олдим. Онам раҳматли оқ сурпдан жилд ясаб, ичига бир-икки дафтар солиб, ўқиш ёшига бир йил етмаганига қарамай, ўртоқларим билан мактабга жўнатган.

У вақтлар алоҳида-алоҳида — уч босқичли мактаблар бўлар эди. Ҳар учовида ўқиб, ҳозирги Бодомзор яқинидаги 12-мактабни битириб, ТошДУнинг филология факультетида таҳсил олдим. Уйимиз “Ғалаба” боғининг ёнгинасида эди. Баҳор кезлари боғда қувлашмачоқ, бекинмачоқ ўйнардик. Нақ белимизгача келадиган ўтларнинг иси ҳали-ҳануз димоғимга урилаётгандек бўлади. Толнинг баҳордаги янги новдаларидан қирқиб олиб, пўстлоғини бироз бураб бўшатиб, пакки пичоқ билан оғочини бироз ўйиб, ҳуштак ясаб олардик. Эрта кўкламда акация дарахтининг нозиккина, ўрик данагидек келадиган япроғини икки буклаб тилингиз остига солганча бир маромда пуфласангиз борми, булбулга айланардингиз гўё...

Юқори синфда ўқиётганимда уйимиз ёнидаги боғнинг ёнгинасида очилган Чехов номидаги кутубхона болалигимни “ўғирлагандек” бўлди. Китобхонга айландим-қолдим. Кутубхонадан ҳафтада икки-уч бор китоб оламан. Рус тилини ҳали яхши билмасам-да, аралаш-қуралаш русча-ўзбекча китобларни ўқийвераман. Ҳозир ўйлаб қарасам, бир нарсага қаттиқ ачинаман. Болалигимда китоб танламай, қўлга тушганини пала-партиш, яхши тушуниб-тушунмай ўқийверган эканман.

Эсимда, (мен ҳали мактабга бориб-бормаган пайтлар) узун кечалар раҳматли отам сандиққа яшириб қўйилган китоблардан олиб, (биз — етти фарзанд ва онам у кишининг атрофида жамулжам ўтирардик) ўқиб берар эди. Тўғри, у пайтлар бу китобларни кўп ҳам тушунмагандирман. (Кейин билсам, бу китобларнинг бири “Ўткан кунлар”, иккинчиси “Кунтуғмиш” экан). Лекин китобга, мутолаага дастлабки меҳр ўша кезлардаги оилавий китобхонликдан ўтган бўлса, не ажаб?!

Кейинчалик, астойдил ихлос билан, берилиб, шошилмай, англаб ўқиган китобим Одил Ёқубовнинг “Муқаддас” қиссаси бўлган. Бу вақт 10-синфда ўқирдим. Китоб энди босилиб чиққан эди. Салкам 35 ўқувчидан иборат бутун синф навбат талашиб, бир ой ичида ўқиб тугатиб, адабиёт ўқитувчимиз Махсума опанинг тинкасини қуритганмиз...

Синфдошларим билан ҳанузгача ойда бир марта учрашиб турамиз — ўша кезларни ёдга оламиз. Университет менга яқин дўстлар, курсдошларни инъом этди. Акрам Каттабеков, Рауф Парфи, Зоҳир Аълам, Турсуной Содиқова, Ортиқ Абдуллаев, Эркин Жалолов ва бошқаларни эл-юртимиз яхши танийди. Омадим бор экан: олийгоҳда Аюб Ғуломов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов каби фидойи мураббийлар қўлида таҳсил олдим. Матёқуб Қўшчонов, Салоҳиддин Мамажонов, Эрик Каримов сингари жонкуяр, меҳрибон устозлардан илм борасида кўп нарса ўргандим. Мавриди билан фан номзоди, фан доктори, профессор, академик бўлдим. Булар ичида ўтган йил лойиқ кўрилганим — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби унвонининг қадри ва ўрни алоҳида.

Ўғлим ва икки қизимдан миннатдорман. Рафиқам — таянчим, демасам, ўзимга ҳурматсизлик бўлади-ёв...

— Бахтиёр ака, сиз учун адабиёт нима? Катта билим ва тажрибага эга адабиётшунос олим сифатида бугунги кун шоир ва ёзувчилар ижодига қандай баҳо берасиз? Улар тош босадиган, ўқувчилар маънавий эҳтиёжини қондира оладиган асарлар ярата оляптими?

— Орамизда шундай одамлар бор, ҳаётини китобсиз тасаввур қила олмайди, бирор куни мутолаасиз ўтмайди. Шу маънода мен ҳам оддий бир китобхонман, десам тўғри бўлади. Негаки, бадиий асарларни ўқиш жону-дилим. Мазмуни тўқ бадиий асарларни ўқиб ҳаёт ва яшамоқ маъноларини уқаётгандек, бу моҳиятнинг янгиликларини топаётгандек, баъзан борларини, топганларингизни йўқотгандек бўласиз ва яна кўнгил саволларига жавоблар излашга тушасиз. Мана шу узлуксиз жараён давом этар экан — унда қоврилласиз, янгиланасиз, азобларингиз роҳатга айланаётгандек бўлади, гўё. Руҳшунослар ҳам китоб мутолааси жараёнида инсон асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшайди, унинг яхши-ёмон кечинмаларини бирга баҳам кўради, деб бежиз айтмаган.

Инсон учун ҳаётдан кўра кенгроқ ва чуқурроқ нарса йўқ. Лекин нечоғлик ажабланарли бўлмасин, менга бадиий адабиёт ҳаётдан ҳам гўзалроқ, кенгроқ ва теранроқ бўлиб туюлади. Ҳаётдан топа олмаган нарсаларимни бадиий адабиётдан топгандек бўламан. Қодирий, Чўлпон, Рауф Парфи ва Абдулла Орипов, Тютчев ва Есенин шеърларини ўқиб, роҳатланаман. Кейин ўқиган бадиий асарларимнинг ютуқ ва камчиликларини, уларнинг сабаб ва омилларини кўрсатиш, уларга баҳо беришга ҳаракат қилиш, тамойилларини умумлаштириш, ёзувчи маҳорати сирларини аниқлаш, асарларнинг бир-биридан фарқи, муштарак жиҳатларини белгилаш касби-корим доирасига киради. Касбим шу — танқидчиман, адабиётшуносман.

Фаолиятим давомида адабиёт дарсликлари яратишга алоҳида эътибор қаратдим. И.Султонов, У.Норматов, Н.Каримов ва бошқа олимлар ҳаммуаллифлигида олий ва ўрта мактаблар учун адабиёт бўйича 4 дарслик, А.Расулов, Ш.Аҳмедова, Қ.Қаҳрамонов ҳамкорлигида адабий танқидчилик бўйича дарслик муаллифиман, уларнинг аксари амалиётда қўлланиб келинаётир.

Тош босадиган, ўқувчилар эҳтиёжини қондира оладиган янги асарларимиз борми, деган саволга, бугунги адабиётимизнинг жиддий ютуқлари сифатида баҳолана олувчи асарларимиз оз эмас, деб жавоб бериш мумкин. Масалан, сўнгги босқич, хусусан, мустақиллик даври адабиётимизга назар ташласак, Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат”, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Назар Эшонқулнинг “Гўрўғли”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, Тўлқин Ҳайитнинг “Фақир ва фалак” сингари романлари, Эркин Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” драмаси, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Саъдулла Ҳаким, Абдулла Шернинг янги туркум шеърлари бугунги ўз адабиётимиз доирасидагина эмас, халқаро миқёсда ҳам муносиб ўрин эгаллай олувчи асарлардир.

— Сизнингча XXI аср адабиёти аслида қандай бўлиши керак? Қайси мавзулар ва ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиш лозим, деб ўйлайсиз?

— XXI аср адабиётимиз олдига янги-янги талаблар қўяди, албатта. Янги асарларга чанқоқ китобхон жамиятимизда рўй берётган тарихий ислоҳотларни, уларни амалга ошираётган янги типдаги фидойи, ватанпарвар қаҳрамонлар қиёфасини, тафаккур ва дунёқарашдаги жиддий ўзгариш ва янгиланишлар бадиий тасвирини кўришни, улардан ўзларига янги куч-қувват олишни истайди. XXI аср адабиёти интеллектуал табиатли бўлиши керак. Ҳаётни интеллект ҳал қилади. Ана шу интеллект адабиётда жамики мураккабликлари, азоб ва қувончлари, муросасизлиги, башарий ва миллий уйғунликда акс этиши лозим. Ўзи глобаллашув исканжасида бўла туриб, жаҳонни глобаллашув асоратларидан қутқариб қолишга бел боғлаган инсон адабиётимизнинг бош қаҳрамони бўлиши керак.

— Бугун дунёда мислсиз кашфиётлар, ахборот тарқатишнинг янгидан-янги усуллари пайдо бўлиб, буларнинг бари ҳаётимизни шиддат билан қамраб олмоқда. Демак, ўқувчилар ҳам бошқа манбалардан излаган маълумотларни бевосита Интернетдан топмоқда. Сизнингча, Интернет китоб мутолааси ўрнини боса оладими?

— Компьютер ва унинг ҳосиласи сифатидаги Интернет инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар қаторида туради. Тафаккур тезлиги ва унинг миқёсларига қаранг. Китоб деган муқаддас тушунчага ҳеч қачон ва ҳеч нарса дахл қилолмайди, деб ўйлар эдик. Ҳозир ҳам бу тушунча ўз қимматини йўқотгани йўқ. Аммо замонамизда унинг компьютер ва Интернет деган рақобатчиси пайдо бўлди. Сўнгги чорак аср мобайнида бу янгиликлар китобни, ҳатто четга суриб қўяди, деган қарашлар айтиляпти. Истаймизми-йўқми бу фикрларда жон бордай. Лекин, бундай фикрлар бадиий адабиётга нисбатан ҳам илгари сурилар экан, мана шу нуқтада китобга шундай муносабатда бўлувчилар билан бирмунча тортишишга тўғри келади. Бундан 5-6 йил аввал Бавария Бадиий академиясининг аъзоси Михаил Крюгернинг “Йигирма йилдан сўнг... Китобнинг келажаги борми?” деган мақоласидаги фикрлар билан баҳслашиб, бу ҳақда матбуотда “Китобнинг келажаги бор” сарлавҳаси остида мақола билан чиққан эдим.

Мен Интернетга китобнинг мухолифи, китобни ҳаётий жараёнлардан четлатувчи деб эмас, унинг ҳамкори, ҳамнафаси ва ҳамрози сифатида қараш тўғри бўлади, деб ўйлайман. “Китоб ўрнини албатта, Интернет эгаллайди”, деган нуқтаи назарни, китоб, айниқса, бадиий адабиётга нисбатан ишлатиш нотўғри. Буни ҳозирги жараённинг ўзи тасдиқлаб турибди. Бироқ бадиий адабиёт, бадиий асар — китобга, китобхонликка компьютер бора-бора барҳам беради, деган фикрни мен тўғри, деб ҳисобламайман. Тўғри, компьютернинг технологик жиҳатдан имкониятлари катта. Буни инкор этиб бўлмайди. Бироқ бадиий адабиёт маъносидаги китобнинг қалб, руҳ, имон, туйғу деган илоҳий тушунча ва ҳолатларга дахлдор хосиятлари борки, Интернет уларни китоб даражасида уддалай олмайди. Худди шундай, китобга меҳр-муҳаббат, эътиқод ўрнини бошқа ҳеч нарса босаолмагани каби. Ҳатто, энг буюк кашфиёт — Интернет ҳам.

— Ўқувчини китобга қайтариш учун нима қилиш керак?

— Бу ҳам айтиш мумкин, ниҳоятда жиддий масала. Шу ўринда китоб ўқиш билан боғлиқ бундан атиги 30-40 йил аввалги манзаралар кўз олдимга келади... Айрим ёзувчиларимизнинг асарлари, баъзида 200-300 минг нусхада чоп этиларди. Ёки “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси тиражи салкам миллионга яқинлашиб қолган эди. Бу яхши эди, албатта. Лекин, очиғини айтганда, нашрларимиз бу қадар катта ададда босилгани, китобсеварларимиз бу даражада кўп бўлгани билан бадиий дидимиз, умумий савиямиз китобхонлар саноғига мутаносиб равишда бўлдими, деган саволга аниқ жавоб топиш қийин.

Демоқчиманки, китоб мутолааси, китобга қайтариш деган масалага фақат сон-саноқ нуқтаи назаридангина эмас, китоб ўқилишининг интеллектуал даражага кўрсатган даражаси ва бу даражанинг ҳаётга, миллат қиёфаси, равнақидаги ифодасига қараб хулоса чиқарилса, маъқул бўлармиди, дейман.

Масалага холис қарашга ўрганайлик. Бундан буёғига аввалги вақтдагига ўхшаб юз минг ададда китоблар нашр этиш ва шу маънода китобга қайтариш замони ўтди. Замондошларимиз онгини шу қадар кенг ва ранг-баранг (шу жумладан, бадиий) ахборот оқими эгалладики, бу ҳолат истагимиздан қатъи назар бадиий асарга, китобга бўлган муносабатдаги имкониятларимизни чеклаб-чегаралаб истифода этишга мажбур қилмоқда. Тўғри, яхши китоб, юксак даражадаги бадиий теран асарлар доим ўз ўқувчисини топади. Ўртача дидли китобхон доим бўлган ва бўлади ҳам. Лекин ҳозир XXI аср эканини унутмайлик. Мадомики шундай бўлгач, фақат интеллектуал ташналиккина ўқувчини китобга қайтариши мумкин.

— Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг олдида турган вазифалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Жорий йилга бундай ном берилиши фақат илм кишилари, тадбиркорлар ҳамда янги технологиялар билан шуғулланувчилар учунгина дахлдор эмас. Ҳаётимизнинг бирор-бир соҳаси ёхуд муаммоси йўқки тадбиркорлик, инновация ва технологиялар билан жуда чуқур ҳамда у ёки бу даражада боғланмаган бўлсин. Шунинг учун унга ниҳоятда топиб, ҳам замон, ҳам истиқболни ўйлаб қўйилган ном сифатида қаралаётгани рост. Ҳозир мамлакатимизда бу масалаларга дахли йўқ бирорта одам топилмаса керак, деб ўйлайман. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси учун унинг аҳамияти алоҳида, албатта. Ниманидир тадқиқ этиш, натижалари мубҳам, улуғворлиги учунгина ишланаётган, амалий фундаментал тадқиқотлар эмас, янгилиги жиҳатидан ўзимизга зарур, халқаро миқёсдаги стандартларга жавоб берадиган, рақобатбардош ва энг асосийси натижалари жадалликда намоён бўладиган тадқиқотларни амалга ошириш олимларимиз диққат марказида туриши зарур, деб ўйлайман. Бу ҳам аниқ, ҳам табиий, ҳам ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун бирдек таллуқли бўлади. Ҳозир фаол равишда тайёрланаётган, умуман, академия миқёси, ҳар бир илмий тадқиқот институти, уларнинг бўлим, шўъба ва лаборатория ҳамда алоҳида мутахассис, олимлари томонидан тузилиб муҳокама қилинаётган “йўл хариталари” ишларини янгича йўлга қўйишни талаб этади. Академия қошидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтидаги бизнинг бўлим эса “Глобаллашув муаммоларининг ўзбек адабиётидаги бадиий талкини. Замондош образи” мавзусида тадқиқот олиб боришни режалаштиряпти.

“Milliy tiklanish” мухбири
Шаҳзод ҒАФФОРОВ
суҳбатлашди.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 116, Адади — 9380. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.30. Топширилди — 23.40.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56